




HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 9-noyabr, chorshanba • № 47 (747) • 1996-yil dekabr dan chiqqan boshlagan • elektron manzil: hurriyat@doda.uz • www.uzhurriyat.uz

«КҮЁШ ДОҒЛАРИ»НИНГ ТАЪСИРИ

АҚШнинг океан ва атмосферани тадқиқ қилиш Миллий бошқармасига қарашли космик об-ҳавони олдиндан айтиш маркази олимларининг таъкидлашларича, ҳозирда кўёшдаги фаол ҳудуддан ажралиб чиқаётган 1339 та энергияга эга доғлар ёритгичнинг Ерга тескари томонига отилмоқда. Аммо ўтган ҳафтада кўёшдаги фаоллик кўрраи заминининг Европа ва Америка китъаларига маълум даражада таъсир этди.



5-бет

ЖАНОБ ТАРБИЯ

Собиқ қайнота ҳикоясидан: «Келин қўл-оёғи қаққон, муомаласи ширин, хушчақчақ қиз экан. Бу фазилатлари билан ҳаммамизнинг меҳримизни тезда қозонди. Асли кейинроқ маълум бўлди. Оила тарбиясининг саълиги, айниқса, ота ўғитини эшитмагани тезда ўз касрини кўрсата бошлади. Унда умуман ўзидан ёши катта одам олдида одоб соқлаш, унинг ҳурматини жойига қўйиш, панд-насиҳатларини тинглаш ҳисси шаклланмаган эди.



7-бет

«КҮРҒОШИН»

Филмга актёрлар жамоаси дид билан танланган. Ҳар бир образнинг ўз фаолият йўналиши аниқ ва ортиқчалиқдан холи. Ҳатто эпизодик ролларда кўриниш берган Аюб Шаҳобидинов, Тожир Саидов, Фурқат Файзиев ва Пўлат Саидқосимовларнинг икромлари ҳам эса қоларли. Айниқса, Аюб Шаҳобидиновнинг кўзларидаги мунг, нигоҳларидаги изтироб — кўз ўнгимизда отишга ҳукм қилинган, муқаррар ўлим бўсағасида турган зиёлининг қиёфасини тўлақонли гавдалантира олган.



8-бет

ВЕНГРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БУХОРОГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизга келган Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмитт Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида 8 ноябрь куни Бухоро шаҳрига ташриф буюрди.

Бухоро буюк алломалари, бетакрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган. Қадимдан илму маърифат, маданият маскани бўлган бу замин таърифи етти иқлимга ёйилган. Дунё аҳли нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёнинг қадимий маданият марказларидан бири бўлган бу шаҳарни зиёрат қилиш, унинг жаҳонга машҳур тарихий-меъморий ёдгорликлари билан танишишга ошқоқди.

Венгрия Президенти Арк қалъа-музейига ташриф буюриб, бу ерда сақланаётган осори-атиқалар билан танишди.

Тошкентда ўтган олий даражадаги музокараларда таъкидланганидек, Ўзбекистон халқига Венгрия, унинг қадим тарихи ва ўзига хос маданияти яхши таниш. Халқимиз меҳнатсевар венгер халқига чуқур ҳурмат билан қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришда халқларимизнинг умумий тарихи ва маданият ўтмиши, муштарак илдишлар асосида юзага келган ўзаро ҳурмат-эҳтироми муҳим аҳамият касб этди.

Тарихи узоқ асрларга бориб тақалувчи ўзбек ва венгер халқлари дўстлиги ҳақида сўз кетганда XIX-XX асрларда минтақамизни тадқиқ этиш мақсадида юртимиз бўйлаб саёҳат қилган Шандор Кёрёши Чома, Армений Вамбери ва Аурель Штейн каби машҳур венгер шарқшунос олимларини ёдга олиш жоиздир.

(Davlati 2-бетda)



«Янги авлод-2011»

Ёшлар марказида болалар фестивали

Наманган шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Халқ таълими вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган мазкур фестиваль истеъдодли ўғил-қизларни кашф этиш, ҳар томонлама қўллаб-қувват-

лашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу боис мазкур форумга бўлган қизиқиш, унинг нуфузи, иштирокчилари сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. 2009 йили фестивалнинг Наманган вилояти шаҳар ва туман босқичларида 1300,

ўтган йили 2000 нафар ўғил-қиз катнашгани, жорий йилда мазкур кўрсаткич икки ярим мингдан ошгани бунинг тасдиғидир.

Фестивалнинг Наманган вилояти шаҳар ва туман босқичларида кашф этилган 380 нафар ўғил-қиз ҳамда ўттиз бадий ҳаваскорлик жамоалари «Янги авлод — 2011»нинг вилоят босқичида ўз маҳоратини намойиш этди. Улар мумтоз ва миллий қолғу асбоблари, вокал, рақс, амалий ва тасвирий санъ-

ат, шеърят, насрий ва сахна асарлари каби йўналишлар бўйича ўз иқтидорини синовдан ўтказди. 26 нафар яққохон ижрочи ва икки бадий ҳаваскорлик жамоаси фестивалнинг мамлакат босқичига йўланма олди.

А.САТТОРОВ,

ЎЗА мухбири
Суратда: иштирокчилар (чандан) Ойбек Абдусаматов, Нилуфар Муҳаммадалиева, Адиба Раҳманова ва Ахрор Шарипов.

Ҳ.МАМАДАЛИЕВ
(ЎЗА) олган сурат

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

3 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида»ги Фармонга имзо чекди.

2 ноябрь куни давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистон Республикаси қуролли кучларига 20 йил» эсдалик нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

6-8 ноябрь кунлари Венгрия Республикасининг Президенти Пал Шмитт Юртбошимизнинг таклифига биноан расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташриф чоғида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини чуқурлаштиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонун нормаларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

3-5 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» мажмуасида транспорт, логистика, автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмлари, қўриқлаш ҳамда хавфсизлик йўналишларига ихтисослашган учта халқро кўргазма ўтказилди.

Италия парламенти депутатлари палатасининг «Сан Клаудио» залида мамлакатимиз давлат мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон Республикаси 1991-2011 йилларда: тараққиётнинг мустақил йўли, анъаналар ва замонавийлик» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди.

МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИО РИВОЖИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Тошкентда телерадиодастурларни яратиш ва тарқатиш соҳасининг бугунги ҳолати ва истиқболларига бағишланган халқро давра суҳбати ўтказилди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг мутахассислари, олим ва экспертлар, ахборот-коммуникация соҳаси раҳбарлари, мамлакатимизда фаолият юритаётган халқро ташкилотлар вакиллари, шунингдек, Австрия, Болгария, Германия, Япония,

Италия, Жанубий Корея каби давлатлардан мутахассислар иштирок этди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари У.Муҳаммадиев, Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев, Миллий телерадио оқомлани раиси А.Хўжаев, Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф.Абдуқолиқов ва бошқалар Президентимиз

Ислам Каримов раҳномалигида мамлакатимизда фуқароларнинг ахборот олиш ва сўз эркинлигига доир ҳуқуқларини таъминлаш, миллий медиа соҳани жадал равақ топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, соҳага доир ўнга яқин қонун ҳужжатлари ахборот муҳофазаси, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

4

ОБУНА — 2012

Қадрли юртдошлар!

Азиз муштарийлар! «HURRIYAT» газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажараётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир. Маълумингизки, 2012 йил учун обуна давом эттирилмоқда. Сиз ҳам жамоатчиликдан четда қолманг. Обуна бўлинг!



«HURRIYAT» ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ

Эслаштиб ўтамыз: «HURRIYAT»нинг нашр индекси — 233

Ижтимоий шериклик

Истеъмол, истеъмолчи, истеъмол маданияти

Инсон умри давомида яшаши, меҳнат ва ижод қилиши учун турли хизмат ва нарсаларга эҳтиёж сезади. Демак, барча одамлар моҳиятан, аввало, истеъмолчидир. Аммо бойлик ордидан қувиб, жиғилдонини виждонидан, халқумини халқидан устун қўйган қаллоблар бор экан, бу ҳуқуқ бузилаверди. Лекин тан олайлик, ҳатто ўзимиз ҳам шундай ҳолатга тушсак, аксарият ҳолларда кўз юмиб қўя қоламиз. Кўнглимизда: «Бу иш сабоқ бўлди-ку, кейинги сафар эҳтиётроқ бўлам», — деган ўй ўтади. Лекин бу қай даражада тўғри ёки мақсадга мувофиқ? Умуман истеъмолчининг ҳуқуқи нималардан иборат ва у мамлакатимизда қай даражада муҳофазаланмоқда?

2

ВЕНГРИЯ ПРЕЗИДЕНТИ БУХОРОГА ТАШРИФ БУЮРДИ

(Бошланғич 1-бетда)

Юртимизга бўлган катта қизиқиш венгер тарихчи олими, тилшуноси ва сайёҳи Арминий Вамберининг "Бухоро ёхуд Мовароуннахр тарихи", "Урта Осиёга саёҳат" каби асарларида ўз ифодасини топган. Европа халқлари ушбу асарлар орқали халқимизнинг бой тарихи ва аъёнлари, Самарқанд, Бухоро, Хива сингари қадимий шаҳарларимиз, бетакрор адабий-маънавий меросимиз билан яқиндан танишиш имконига эга бўлган. Айтилганда мазкур асарлар минтақамиз тарихини ўрганишда қимматли манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Пал Шмитт Бухоро Аркида Арминий Вамбери шарафига ўрнатилган хотира лавҳаси очилишида қатнашди.

Олий мартабали меҳмон мамлакатимизда венгер олими хотирасига кўрсатилаётган бундай эҳтиромни Венгрия юксак қадрлашни, бу воқеа буюк аждодларимиз томонидан асос солинган дўстлик ва ўзаро ҳурмат аъёнлари давом этаётганининг яна бир намоёни эканини таъкидлади.

Мустақиллик йилларида Бухорода ҳам улкан ўзгаришлар юз берди. Кўҳна Бухоронинг тарихий обидаларини тиклаш, буюк аждодларимиз мангу осойиш топган муқаддас қадимларни обод этиш баробарида шаҳарда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Бунинг самарасида Бухоро миллий меъморий аъёнлари ва замонавий архитектура уйғунлашган гўзал қиёфа касб этмоқда.

Пал Шмитт Президентимиз Ислоом Каримов ташаббуси билан барпо этилган "Бухоро маданий маркази" мажмуида борди. Юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган мажмуа яшил майса билан қопланган. Турли ноёб дараклар, турфа ранг гуллар кишига кўтаринки кайфият бахш этади. Мажмуа марказида

Бухоронинг тарихи ва бугуни ҳақида ҳикоя қилувчи, халқимизнинг фахри бўлган буюк алломалар ва ноёб тарихий ёдгорликлар номлари ва суратлар битилган "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументи қад ростлаб турилди.

Ушбу том маънодаги ноёб монумент менда унутилмас таассурот қолдирди. Монумент билан танишган киши ўзбек халқининг бой тарихи, бугунги ҳаёти ва эзгу интилишлари ҳақида ёрқин тасаввурга эга бўлади, деди Пал Шмитт.

Пал Шмитт Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилди. Венгриялик меҳмонлар ўта аниқ ўлчамлар ва гоёт мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган ушбу иншоот билан танишар экан, ана шундай мўъжизакор мақбарани барпо этган аждодларимиз даҳосига юксак баҳо бердилар.

Венгрия раҳбари Лаби Ҳовуз мажмуаси билан танишди. Бу ерда хунарманларимиз томонидан яратилган гилам ва кашталар, сопол ва темирдан ясалган нафис буюмлар, миллий миниатюра услубидаги расмлар ва бошқа маҳсулотларни кўздан кечирди.

Шу билан Венгрия Республикаси Президенти Пал Шмиттнинг Ўзбекистон Республикасига расмий ташрифи якунига етди.

Венгрия Президентининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатларимиз ўртасида қарор топган аъёнвий дўстлик, ўзаро манфаатдорлик ва ишонч руҳидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш ва кенгайтиришдан ҳар икки томон ҳам манфаатдор эканини яна бир бор намоён этди. Венгрия раҳбарининг ушбу ташрифи ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилади, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатлари йўлида ўзаро муносабатларимиз равангага янги сурбат бахш этади.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎЗА махсус муҳбири

Истеъмол, Истеъмолчи, Истеъмол маданияти

(Бошланғич 1-бетда)

Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси 1996 йилдан буён ўзининг вилоятлардаги 14 та ҳудудий бирлашмаси, 194 та туман ва шаҳар жамиятлари, шунингдек, маҳаллаларда, корхона, ташкилот ҳамда муассасалардаги 9218 та таянч гуруҳлари орқали қизгин фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимиздаги истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бош мақсади деб билган Федерация фаолиятига Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда Федерация Низоми дастуриламал бўлаётир.

— Ташкилотимизга тушаётган ҳар бир арза ва мурожаатларда истеъмолчилар бугунги бозор иқтисодиёти шароитида баъзи "ишлаб чиқарувчилар" томонидан тайёрланаётган ёки ноқонуний йўл билан республикамизга кириб келаятган турли сифатсиз ноэко-оқват ва озиқ-овқат маҳсулотларидан соғлиқланишга зиён етказиладиган норозиликларини, сотувчиларнинг назорат-касса машинаси, терминалларда пластик картчалар орқали савдо қилаётганларида кўпинча чалқашликларга йўл қўяётганларини, айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларини меъёрида сақлаш ва сўйтишда, умуман савдо хизмати кўрсатишда билимлари суст эканидан норозиликларини билдиришмоқда, — дейди Федерациянинг Матбуот ва ахборот бўлими бошлиғи Умида Мансурова. — Айниқса, аҳолини газ билан таъминлаш бўйича мурожаатлар кўпаяётгани ташвишланиларди ҳолдир. Бу борада Фарғона, Самарқанд, Қашқадарё, Навоий, Тошкент вилоятларида аризалар сони анча-мунча. Аҳоли кузги-қишки мавсумда табиий газ етказиб берилишида муаммолар мавжудлиги, баъзан тўловларда асоссиз қарздорликлар пайдо бўлаётгани, баъзи табиий газ етказиб берувчи корхоналар мутахассисларининг ўз вазифаларини суиистеъмол қилаётганликларидан норозиликларини билдириб, бизга мурожаат қилади. Муаммолар иложи борица ижобий ҳал этилмоқда.

Маълумки, ҳуқуқини билган инсон адашмайди. Шу боис бу борада аҳоли ўртасида олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари, давра суҳбатлари, кичик урғунлар ва семинарларга катта эътибор қаратишмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонуни 3000, "Истеъмолчи ҳуқуқлари қонун ҳимоясида" мавзусидаги рангли плакатлар 2500, буклетлар 10000 нусхада тайёрланиб, истеъмолчиларга бепул тарқатилди. Албатта, гап уларнинг салмоғида эмас, сифатида. Энг асосийси, мурожаатлар сони кўпаймоқда. Демакки, аҳоли ўртасида ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниши, фуқароларнинг жамиятда фаоллашуви кузатишмоқда. Бунда телеканаллар орқали аҳолининг ҳуқуқий билим ва истеъмол маданиятини оши-

ришга доир кўрсатувлар ҳамда реклама роликлари берилаятган, жойларга плакатлар ва панноларнинг осиб қўйилгани, оммавий ахборот воситаларининг роли ошаётгани қўл келаяпти. Бундан ташқари, Ўзбекистон Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг "Истеъмолчи" газетаси, шу билан бир қаторда интернет тармоғидаги сайти (www.potreb.uz)да Федерация фаолияти билан боғлиқ материаллар жойлаштирилиб, истеъмолчилардан келиб тушаётган мурожаатларга ўз вақтида жавоблар бериб боришмоқда.

Маълумотларга кўра, шу йилнинг 9 ойи давомида Федерация ва унинг ҳудудий ту-

Республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан олиб борилаётган ҳамкорлик самарали кечмоқда. Қўмита билан Федерация ўртасида тасдиқланган чора-тадбирлар режасига мувофиқ ўрганишлар олиб борилиб, маълумотлар қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига тақдим этилмоқда. Бу эса юзага келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муаммоларни тезкорлик билан ҳолисона бар-тароф этиш имконини бераётир. Жумладан, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан биргаликда бир қанча ҳужалик юритувчи субъектларда электр қуввати, ичимлик суви ва табиий газдан фойда-

рилмагани, истеъмолчиларга кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида маълумотлар тахтаси йўқлиги маълум бўлди. Шунингдек, баъзи почта бўлимларидаги мавжуд тарозилар давлат стандарти кўригидан ўтказилмагани ёки яроқсиз ҳолатда экани, обунчиларга газета ва журналлар ўз вақтида етказиб берилмаётгани аниқланди.

Ўрганишлар жараёнида телефон алоқаси корхоналарининг истеъмолчиларга кўрсатиётган хизматларининг қоникарили эмаслиги аён бўлди. Масалан, Наманган вилоятининг Учкўрғон туман марказий теле-ком боғланмаси ва Янгиер АТС шохобчаларида мижозларга кўрсатилаётган хизмат юзасидан етарлича маълумотлар мавжуд эмас, Қорақалпоғистон Республикасининг Шуманай, Қонлиқул, Кегайли, Тахтақўйир, Тўртқўл туманлари телекоммуникация тармоқларининг яқин ўрлада бўлимлари очилмаган. Хўжайли, Қонлиқул тумани телекоммуникация тармоғида ички, шаҳарларо ва халқаро алоқалар бўйича тарифлари ҳамда фавқулодда тезкор хизматлардан фойдаланувчи абонентлар учун бепул алоқа хизматлари тўғрисида маълумотлар берилмаган. Тахиятош шаҳар телекоммуникация тармоғида, Мўйноқ ва Кўнғирот туманлари, Тошкент вилоятининг Бекобод туман телекоммуникация тармоқларида хизмат кўрсатиш тартиб-қоидалари тўғрисида ҳамда абонентларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисида, қўшимча имтиёзларга эга бўлган аҳоли тоифасига берилган имтиёзлар ҳақида маълумотлар мавжуд эмас...


Сирдарё вилоятининг Бобўт туман телекоммуникация тармоғида ҳам ишлар ўлжайиб қолган. Чунотчи, фуқароларга хизмат кўрсатиш залида телефон автоматлари мавжуд эмас, иш тартиби, факс хизматлари ташкил этилмаган. Аниқланган барча камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ташкилотларга тақлифлар киритилди.

Кўриниб турганидек, Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерациясининг республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлиги натижасида мамлакатимизда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимояси бўйича кенг қамровли демократик янгилаштирилган амалга оширилмоқда. Ижтимоий шерикчилик асосида амалга ошириладиган ва ўзаро тенглик асосига қўрилган ҳамкорлик самарали кенгайтириш юқоридаги мисоллар ҳам кўрсатиб турилди.

Президентимиз Ислоом Каримов Олий Мажлис палаталарининг ўтган йили 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номи мавзусининг IV боби тўғрисида демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш вазифаларига бағишлагани ҳам бежиз эмас. Унда яқин истиқболда истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш вазифаси олға сурилди. Бу ўз навбатида иқтисодий тараққиётимизга ҳам муносиб улаш бўлиб қўшилишига шубҳа йўқ.

Иномжон АБДИЕВ

Устоз меҳри



Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 1-умумий ўрта таълим мактаби Пешку туманидаги энг намунали билим мактабларидан биридир. Мазкур мактабда 474 нафар иқтидорли ўғил-қиз таълим олади. «Йилнинг энг яхши мактаби» танлови қолиби бўлган мазкур мактабнинг ўзига хос томони шундаки, бу даргоҳда таълим бераётган 46 нафар ўқитувчининг 8 нафари олий, 3 нафари биринчи, 23 нафарини

мутахассис ўқитувчилар ташкил этади. Уларнинг барчаси илзонавчан, ташаббускор. Туман, вилоят миқёсида ўтказилаётган фанлар бўйича билимлар беллашувига ушбу мактаб ўқувчиларининг юқори кўрсаткичларга эришяётганининг сирини ҳам шунда. Бинобарин бу ютуқларнинг барчаси илм мактабига «Мактаб — оила — жамоатчилик» тизимининг мустаҳкам йўлга қўйилгани самарасидир. Суратга: мактаб директори, меҳрибон устоз Мухаббат Абдуллаева ўқувчилар даврасида.

Ногиронлар ҳам жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосидир. Юртимизда уларнинг яшashi, меҳнат қилиши учун етарли ҳуқуқий база яратилган. Энг муҳими, улар доимо давлат эътиборида. Шундай эътибор маҳсули сифатида ногиронлар тўғрисидаги маълумотлар электрон базаси — "ТМЭК" дастури яратилди. Мазкур дастур билан тиббий экспертиза хизмати ходимларини таништириш мақсадида жойларда сайёр минтақавий ўқув-амалий семинарлари ўтказилмоқда.

МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР

Навбатдаги семинар Қарши шаҳрида ташкил этилди. Унда Қашқадарё, Бухоро ва Сурхондарё вилоятларидаги тиббий меҳнат экспертиза комиссияларида фаолият олиб бораётган ходимлар иштирок этди. Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси бўлими бошлиғи Санжар Умаров қатнашчиларни "ТМЭК" дастури билан таништирди. Шунингдек, "OUTLOOK" алоқа воситасида ишлаш усуллари тўғрисида маълумотлар берилди. Қатнашчи-

лар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. — Бу каби янгиликлар бизнинг фаолиятимизда албатта муҳим аҳамиятга эга, — дейди Қашқадарё вилоят Бош ТМЭК раиси Шавкат Урозов. — Етарли маълумотлар билан таъминланганимиз иш жараёнида дуч келинадиган муаммоларни ҳал қилишда ёрдам беради. Семинарда дастур билан ишлаш, унинг афзалликлари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдик.

Дарҳақиқат, тизимдаги ислохотлар туфайли ТМЭКларнинг моддий техника базаси мустаҳкамланди. Республикадаги мавжуд барча ТМЭКлар "Дамас" автоматиниси ва компьютер техника воситалари билан таъминланди. ТМЭКларда "OUTLOOK" алоқа воситаси йўлга қўйилди. Бу каби шароитларнинг яратилиши соҳада бевосита иш ҳажми ва сифатининг яхшиланишига ёрдам беради.

Фахриддин РАҲИМОВ



Тадбир

Эл оғзига бол тутаетганлар

Қадимий манбаларнинг гувоҳлик беришича, асаларчиликнинг тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалади. Юртимиз ҳудудидида олиб борилган археологик қазинмалар пайтади бундан 150 минг йил аввал ясалган асалари тасвири туширилган кўзачалар топилган. Буюк бобомиз Абу Али ибн Сино эса асалнинг шифобахшлигига юқори баҳо бериб, соғлом бўлиш ва узоқ умр кўриш учун уни истеъмол қилиб туришни тавсия қилган.

Мустақиллик йилларида республикада асаларчилик соҳасининг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Пировадидида, соҳа билан шуғулланидиганлар сафи кенгайди. Навоий вилоятида эса 2005 йили асаларчилик уюшмаси ташкил этилди. Уюшманинг савий-ҳаракати туфайли вилоятнинг биргина Қизилтепа туманида бугун юздан зиёд асаларчилик хўжаликлари фаолият юритмоқда. Айниқса, тажрибали асаларчи Пўлат бобо Муродовнинг бу борадаги ишлари таҳсинга сазовор. Асаларчи қариндоши Улугбек Муродов билан биргаликда Украинадан арининг "Карпат" турини келтириб кўпайтирди. Бу турдаги асаларчи ўзининг сермаҳсуллиги билан ажралиб туради.

— Асаларининг меҳнатини кўриб лол қоламан, — дейди Пўлат бобо. — У кун бўйи гулдан-гулга кўниб, тиним билмай нектар йиғади. Янги нектар топилиши билан дарҳол ортига қайтиб, шерикларига янги топишган озиқнинг қаердалигини ўзига хос рақс орқали хабар қилади. Асалари буну шу қадар аниқ тушунирадими, шериклари бу жойни ҳеч қийналмай топиб боради. Очиғи, мен асаларчиларнинг бу хатти-ҳаракатларини кўриб, касбимдан завқ оламан.

Пўлат бобонинг айтишича, асалари уясини мумдан ясади ва мунтазам олтибурчак шаклида, аниқ ҳисоб-китоб билан қуради. Бунинг боиси, қам

мум ишлатиб, катта ҳажмдаги уя қуришга эришиш экан. Шунингдек, асалари соатига 6,5 километр тезликда учиб, бир кунда ўртача етти юзта гулга кўнади. Бир килограмм асал йиғиш учун эса 19 миллионга гулга кўнади, 300 минг километр масофани учиб ўтади. Бу меҳнатқаш жонотнинг вазифаси доимо ўзгариб туради. Бугун нектар йиғиб келган асалари эртасига навбатчи ёки озиқчи бўлади, қолганлари "ўлка излайди" ёки қанотларини силқитиб арихонани шамоллатиб туради. Фақат она асалари ишламайди, унинг вазифаси арилар наслини янгилаб туришдан иборат.

Асаларчилик фаолиятини 1988 йили ўн та асалари оиласини парваришладан бошлаган Пўлат бобо Муродовнинг қаровида бугун 150 қўти асалари оиласи бор. У касби ортидан топганидан кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатади. Қолаверса, беш кишини иш билан таъминлаган, кўплаб шогирдлар етиштирган. Улар орасида тажрибали асаларчи Гафур Бўронов ҳам бор. Гафур ака болалигидан шу соҳага қизиқгани боис, устозидан асаларчиликнинг сир-асрорларини пухта ўрганган.

— Асаларини яхши парваришлаб, домийи назорат ўрнашса, юқори натижаларга эришиш мумкин, — дейди Гафур ака биз билан суҳбатда. — Агар арилар қил мавсумидан бетадафот чиқса, кўп ва яхши асал олиш турган гап. Бу соҳада иш



Асқар ЁҚУБОВ (ЎЗА) олган сурат

Шу кунларда пойтахтимиз бозорларида анъанавий асал байрами ўтказилмоқда. Унда пойтахт ва Тошкент вилояти асаларчилик жамиятларининг аъзолари ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда.

Асал байрамида шаҳар аҳолиси ва меҳмонлар шифобахш маҳсулотнинг йиғирмага яқин ноёб турини арзон нархларда харид қилиш, соҳа мутахассисларидан асалнинг шифобахш хусусиятлари ҳақида тўлиқ маълумот ва маслаҳат олиш имкониятига эга бўлмоқда.

— Ярмаркада асалнинг бир неча хили бор. Харидорлар асални тайлаб олиш имконига эга, — дейди Тошкент шаҳар асаларчилик уюшмаси раиси, қишлоқ хўжалиги фанлари номзоиди Ҳомид Некқадамбоев. — Юртимизнинг мўътадил иқлими асал етиштириш учун жуда қулай. Тармоқни ривожлантириш борасида катта имкониятлар мавжуд. Шу боис, истеъмол бозорига шифобахш маҳсулот етказиб бераётган асаларчилик хўжаликлари сонини кўпайтириш, асал етиштиришнинг замонавий технологияларини жорий этиш ўз самарасини бермоқда.

Асал байрами пойтахтимиздаги "Авиасозлар", "Фарход", "Олой" ва "Юнусобод" бозорларида декабрь ойининг охирига қадар давом этади.

бошлаганидан бери маҳалларимиз ёшларидан тўрт нафари доимий иш билан таъминланди, яна олти киши мавсумий ишга жалб қилиб келинмоқда. Йиллик даромади ўртача 10-15 миллион сўмни ташкил этади. Байрамлар арафасида туманимиздаги кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиб келишим.

Пўлат бобо Муродов ва Гафур

Бўроновнинг ҳаётий тажрибамиз, касбига бўлган меҳрини кўрган шогирдлари Нусрат Тешаев, Анвар Солиев, Шерзод Саидов, Ҳошим Ҳасанов, Нозим Бўронов ва Бобур Шукруллаевлар бугун мустақил фаолият юритишга эришди. Уларнинг ҳар бири 80-90 қўти асалари оиласини парваришлаб, маҳалладашларини доимий иш билан таъминлаганлар.

Қаламга олганимиз биргина Навоий вилоятининг Қизилтепа туманида эл оғзига бол тутаетганлар, холос. Юртимизда эса улар сингари ўз касбига содиқ инсонлар кўплаб топилади. Айна уларнинг ҳалол меҳнатлари натижасида аҳоли дастурларини тўқини, турмушлари бор каби тотли.

Толибжон НИЗОМОВ

14 ноябрь — Диабетга қарши курашиш халқаро куни

«Ўтиб кетмаётган» дард

Ошқозон ости безининг махсус тўқималарида ҳосил бўлувчи инсулин гормонининг етишмаслиги натижасида организмда моддалар алмашинувининг бузилишидан вужудга келувчи қандли диабет қондаги қанд миқдорининг меъёрдаги 5,26-6,00 ммол/л ўрнига 8,3-11,1 ммол/л гача ошиб кетиши туфайли соғлом одамни беморга айлантириши фанда тасдиқланган.

Б у касаллик Шарқ халқлари табибатида жуда қадимдан маълум. У илк марта VI асрда ҳинд физиги Сушрута томонидан аниқланган. Олим бу хасталик семириш жараёни билан бирга кетишини таъкидлаган. Аслида тадқиқотчи ўзи билмаган ҳолда бугунги илм-фан нуқтаи назаридан қандли диабетнинг иккинчи тури устида фикр юритган эди. Қадимги ҳинд табиблари қанд моддасининг ортиб кетишини инсон пешобидан аниқлашган. Шу сабабли улар бу касалликни "қанд пешоб касаллиги" деб юритишган. Қадимги хитой, япон, корейс табибатида эса асосий эътибор қанд таркибида қанд моддасининг ошиб кетишига қаратилган.

Бу соҳада кўзга кўринарли изланишларни амалга оширган иккинчи йилки тарихий шахс Абу Али ибн Синодир. У қанд касаллигини жуда аниқ илмий асослар билан тушунирган ва биринчи бўлиб диабетнинг 2 тури мавжудлигини аниқлаган. Аллома ҳатто биологик тўқималар ёки аъзоннинг жонсизланиб, тириклашган ичириши (қорасон хасталиги) ҳодисасига ҳам аниқ таъриф берган. Буюк олимнинг қанд касаллигини даволаш хусусида ҳам бир қанча тавсиялари бор. Хусусан, "Беморга совуқ мижозли суяқликлар ичир, совуқ жомга

сол, нордон айрон ичир, мевадар бер, ялғиз дамлаб ичир, ҳўла, совут" дейди. Бу эса касаллик инсон организмида ҳарорат ошиб кетиши оқибатида юзага келишини билдиради.

Бу соҳада дунёда бир қанча олимлар изланишлар олиб борган бўлсалар-да, канадалик соҳа билимдонларининг изланишлари самарали бўлган. Улардан Фредерик Грант Бантинг ва Чарлз Герберт Бест каби тадқиқотчилар 1921 йилда Торонто университет лабораториясида қандли диабетга қарши модда — инсулинни хайвон(ит)-ларнинг ошқозон ости безидан соф ҳолда ажратиб олишга эришдилар. 1922 йилда инсулин ёрдамида даволанган бемор ўзини яхши ҳис эта бошлади. Соҳадаги улкан хизматлари учун Ф.Г.Бантинг ва лаборатория директори Маклеад 1923 йилда халқаро Нобель мукофотига муносиб топилдилар. Ўша йилдан эътиборан инсулин халқаро миқёсда ишлаб чиқарила бошланди ва Бантингнинг таваллуд топанг кунини — 14 ноябрь Диабетга қарши курашиш халқаро кунини деб эълон қилинди.

"Диабет" сўзи биринчи бўлиб миллодий I асрда яшаган Қаппадокиялик (Қадимги Юнонистон) Аретаус томонидан қўлланган. Атама "ўтаман", "ўтиб кетман" маъноларини ифодалайди.

Сўзнинг маъноси бемор организмда пешоб ажратишнинг ҳаддан ортиб кетишидан келиб чиққан. Юнон физиги бу дард ҳақида етарлича маълумот бера олмасда, унинг инсон умри қисқаришига сабаб бўлишини таъкидлаган.

Қандли диабет икки хил — ирсий ёки ортирилган қўриққа бўлиши мумкин. Касаллик оdatда секин-аста ривожлана боради. Беморларда кўп пешоб ажратиш натижасида ташналик, тез қарчаш, тажанилқ, озиб кетиш, камқонлик белгилари намоён бўлади. Қандли диабетда тўқималар фаолияти сусайиб кетади. Бу эса ҳатто кичик бир жароҳатнинг битишини ҳам қийинлаштириб, чипқон пайдо бўлишига олиб келади. Қандли диабетга бошқа касалликлар(масалан, сил) қўшилиб кетиши оқибатида бемор диabetик комадан ҳалок бўлиши ҳам мумкин. Даволаш мобайнида инсулин миқдорини ошириб юбориш, қандли диабетга қарши модда — инсулинни хайвон(ит)-ларнинг ошқозон ости безидан соф ҳолда ажратиб олишга эришдилар. 1922 йилда инсулин ёрдамида даволанган бемор ўзини яхши ҳис эта бошлади. Соҳадаги улкан хизматлари учун Ф.Г.Бантинг ва лаборатория директори Маклеад 1923 йилда халқаро Нобель мукофотига муносиб топилдилар. Ўша йилдан эътиборан инсулин халқаро миқёсда ишлаб чиқарила бошланди ва Бантингнинг таваллуд топанг кунини — 14 ноябрь Диабетга қарши курашиш халқаро кунини деб эълон қилинди.

Қандли диабет бир умрлик касаллик бўлиб, уни даволаш жараёни бемор умрининг охиригача давом этади. Унга эътиборсизлик қилиш ярамайди. Шунингдек, нотўғри ва етарлича даволашмаганда касаллик зўрайиб, оғир асоратларни келтириб чиқариши мумкин. Чунончи, оёқ-қўлларда оғрик пайдо бўлиши, кўз тўр пардаларидаги қандли диабет натижасида кўришни изланишдан чиқариш, шунингдек, буйрақлар функциясининг бузилиши кабилар кузатилади. Қандли диабет юрак ишемия касаллиги, мияда қон айланишининг бузилиши (бош айлиниши, мия инсульт)га олиб келиши ҳам фанда ўз тасдиғини топган.

Бугун маъмур касаллик дунё аҳолисини қаттиқ ташвишга солимоқда. Европа диabetларини ўрганиш ассоциацияси томонидан жорий йилнинг сентябрь ойида берилган маълумотларга қараганда бугун дунёда 366 миллион киши қандли диабетдан азият чекоқда. Ҳозирда қанд касаллиги Кўшма Штатларнинг 90-95 фоиз аҳолисига ўз таъсирини ўтказмоқда. Шимолий Америка ва Европадаги касалликка қалинган 10 фоиз аҳоли ҳеч қандай муолажа тадбирларини олиб бера олмайди. Тахминан 20-50 фоиз аёл ҳаётининг сўнги йилларида қандли диабет билан оғрийдилар. Маълумотларга қараганда, охириги 6 йил мобайнида аёллар орасида касалликка қалинган кескин ошган. Бу ҳали дунё юзини кўрмаган болалар тақдирини ҳам олдидан белгилаб қўяётган ачинарли ҳолидир.

Қандли диабет билан оғриган беморларнинг аксарият қисми ривожланган мамлакатлар (Шимолий Америка, Европа, Австралия, Яқин Шарқ, Жануби Шарқий Осиё давлатлари) аҳолиси ҳиссага кўра тўғри келмоқда. Хар йили Америка Кўшма Штатлари диabet касаллигини бартараф этиш йўлида 150 миллион доллар маблағ сарфлайди. Европа диabetларини ўрганиш ассоциацияси маълумотларига қараганда жаҳонда хар йили 4,6 миллион одамни ушбу касаллик ҳаётдан олиб кетади.

Дунё олимлари қанд касаллигининг давосини топиш илкнжда муттасил изланишлар олиб бормоқдалар. Бу борада бир қатор ижобий натижаларга эришилаётгани қувонарли ҳол, албатта. Яқинда япон олимлари кемирувчилар устида тажриба ўтказиб, касалликка қалинган сичқонни даволаб қўрдилар. Улар бунга бошқа кемирув-

чидан олинган асаб тизимларини кўчириб ўтказиш йўли билан эришдилар. Гап шундаки, тажриба ўтказувчи То-моко Кувабари гуруҳи сичқонларга ўзга ўтмишдошларнинг беш миасидан олинган ҳид сезувчи тўқималарни кўчириб ўтказишган. Олимлар бу тўқималарни организмнинг тўқима ишлаб чиқарувчи оқсиллар, шунингдек, ушбу жараён тўхтаб қолишининг олдини олиши мумкин бўлган антителалар билан қайта ишлашди. Ошқозон ости бетта-кўчириб ўтказилган бетта-тўқималар сичқон организмда инсулин ишлаб чиқарилиш жараёнини кучайтириб, моддалар алмашинувини яхшилаиди. Оқибатда қон таркибидида глюкоза миқдори камайдди. Шу йўл билан қон таркибидидаги қанд моддасининг меъерий ҳолати тикланади. Бугунги кунгача биринчи даражали диabetларни даволашда донор органлар кўмағига таяниб келинади. Энди эса Кувабари "даволашдаги бу янги усул донорларга ахтиёж қолдирмайди", деган умидда. Бироқ ҳали у одамларда синаб кўрилгани йўқ.

Ҳаётда ортирилган қандли диabetга асосан соғлом турмуш тарзига риоя қилмаслик, меъеридида тановул қилмаслик сабаб бўлади. Мунтазам равишда кўп овқат истеъмол қилиш, углеводли — ширинлик маҳсулотларини кўп ейиш касалликнинг пайдо бўлишига олиб келиши исботланган. Қандли диabet кўпинча оғир асабий-рухий кечинмалар, оқумли касалликлардан сўнг вужудга келади. Шулар қаторида кўриқчи, узоқ муддатли ташвишланиш, жисмоний меҳнат билан кам шуғулланиш ҳам касалликка қалинишга сабаб бўлиши аниқланган.

Нарғиза ХУСАНОВА,
ЎзМУ талабаси

Ҳурматли тахририят ходимлари! Ёшим 75 да. Нафақадаман. Вақтим бемалол бўлгани боис шахарни томоша қилиб юришни яхши кўраман. Пойтахтимиз кўчалари, хийобонлари кундан-кунга гўзаллашиб бораётганини кўриб қувонаман. Аммо ҳаётимизда баъзи-баъзида қўнғилин хара қиладиган воқеалар ҳам учраб туради.

Қоғозбозликми, эътиборсизлик?

Б олаларим «Кўчада кўп юрасиз, зарурат бўлганда бизга дарров хабар қиласиз», деган мақсадда уяли телефон соғма қилишди. Телефон идорасига бордим. Паспортимдан нусха олишди ва шахсий сим карта тақдим қилишди. Телефоним ишлади. Лекин бир кун уни йўқотиб қўйдим. Биров фойдаланмасин деб дарров телефон компанияси идорасига бордим. Паспортимдан нусха олишди. Барака топқурлар, масалани тезликда ҳал этишди. Бахтимга телефон ҳам топила қолди. Уни ишлаш учун тагин идорага бордим ва эски рақамимни тиклаб беришларини илтимос қилдим. Паспортимдан нусха олишди ва телефонимни ишлади беришди. Раҳмат. Лекин бир йил ичиди паспортимдан уч марта нусха олишганига ҳайрон бўлдим. Ўзимга ўзим савол бердим: Агар мен каби муурожаат этадиганларнинг хар биридан паспорт нусхасини олаверса қанчадан-қанча қоғоз исроф бўлишини билишармикан?

Шу ҳақда ўйлаб турсам, почтачи келиб қолди. Пенсия жамғармасига паспортларимизнинг нусхалари кераклигини айтди. Чол-кампир нусха кўчириб бериб юбордик. Яна ўйга толдим: «Республикамизда 2,5 миллиондан ортиқ нафақа олувчилар бор экан. Бу шунча стандарт оқ қоғоз сарф бўлди, дегани. Наҳотки, юқорида номи санаб ўтилган ташкилот раҳбарлари Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 22 июлдаги «Республикада қоғозни тежаш ва ундан оқилона фойдаланишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан бежабар бўлсалар?».

Икки йил аввал набираларимдан бири коллежини битириш арафасида паспортини йўқотиб қўйди. Коллеж мутасаддилари паспорти бўлмаса диплом беришмас экан. Набирани етказиб туман Юнусобод туман ИИБнинг паспорт бўлимига бордим. Идора ходимида манзиллар бюросининг маълумотномаси, туғилганлик гувоҳномаси, уй дафтари, маҳалладан маълумотнома, фотосурат топширдик. Ходим тагин қўшимча қилди: «ЗАГС архивидан ва РОВДдан справка келтиринг?»

Бир ҳафта ИИБга, беш кун ФХДЁ архивига қатнаб, маълумотномаларни қўлга киритдим. Уларни сўралган жойга ораётиб, тагин ўйланиб қолдим: Ҳозир компьютер замони бўлса, паспорт идорасидигилар хар бир фуқаронинг паспорт маълумотларини марказлаштирилган электрон архивга жойласа, шунингдек, ўзининг юқори идорасидан, ФХДЁ архивидан, солиқ идораси ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотларнинг электрон базасидан зарур маълумотларни олиш имкониятига эга бўлса. Ана шунда минглаб инсонларнинг ҳолати чиқарилар, вақт ва маблағ тежалган, асабар қақшамаган бўларди». Ким билсин, балки мутасаддилар бу ҳақда бош қотиришаётгандир.

Собир ХОТАМОВ
Тошкент шахри, Юнусобод тумани

Ёнғин хавфсизлиги

Умр хазон бўлмасин

Айни пайтда юртимизда тўлиқ куз. Бу фаслнинг ўзгача чиройи, кўринишлари бор. Хазонлар ерга гиландек ўтқалади. Баъзида улар сутурилиб бир жойга тўпланади, баъзан ёқиб юборилади. Аммо унинг оқибати қандай бўлиши ҳақида ўйлаб ҳам қўримайди. Хазон тез ёниб кетмасдан аччиқ тўтун чиқариб узоқ туташини ҳаммамиз биламиз. Бунинг натижасида атроф-муҳитга карбонат ангидрид ва ис гази тарқалишининг ҳеч ким ўйламаса керак. Бу эса ҳозирги кунда сайёраимиз иқлими ўзгаришларига салбий таъсир этади. Борлиқда иссиқхона эффектининг бош сабабчиси ҳам шу сингари захарли тўтулардир. Хазон туташилан барглр таркибидида азот, олтингургурт каби кимёвий унсурлар оксидланиб ҳавога тарқалади ва кислотали ёмғир сифатида заминга қайтиб тушади. Бу ҳолат бориқни захарлагани туфайли беморларнинг кўпайиши шу фаслда кўпроқ кузатилади.



Хазонларни, шох-шабабаларни ёқиш катта қўламдаги турли ёнғинларни ҳам келтириб чиқаради. Бундан ташқари, электр иситич ва ёритич мосламалардан оқилона фойдаланмаслик, олов билан боғлиқ юмушларни болаларга буюриш, уйда сигарета чекиш каби ҳолатлар ҳам ёнғин чиқишига сабаб бўлади деган омилардир. Бунинг оқибатида хозирга қадар Тошкент шахрининг Ҳамза туманида 119 та ёнғин содир бўлди, бир инсон ҳаётдан кўз юмди ва олти киши турли даражада куйиш жароҳатини олди. Моддий зарар ҳам чакана эмас, нақ 12 миллион 655 минг сўмни ташкил этади.

Афсуски, айрим кишиларнинг совуққонлиги оқибатида бундай ҳолатлар сўнги пайтларда кўплаб учрамоқда. Агар хар бир инсон ўзининг фуқаролик бурчини бажариб, йиғилиб қолган хазонларни махсус жойларга олиб борса ёки кўмиб ташлагса кўмаклаша, ёш болалар хатти-ҳаракатларидан огоҳ бўлса, ёнғин хавфсизлиги қондаларига астойдил риоя этса, ўзи ва фарзандларининг хавфсизлигини таъминлашдан ташқари она табиатни мусаффо ҳолда асраган бўларди.

Турсунбой ТОҒАЕВ,
Ҳамза тумани ИИБ ЕХБ инспектори,
Айдуст БАЙРЕКОВ,
туман ИИБ ёнғин хавфсизлиги бўлими инспектори

МИЛЛИЙ ТЕЛЕРАДИО РИВОЖИ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

(Бошланғич 1-бетда)

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш, уларнинг жамиятимиздаги ислохотларда янада фаол иштирок этиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа учун юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш юзасидан кенг қамровли, босқичма-босқич ва изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатлар телерадио соҳасида ҳам ўзининг эркин ифодасини топмоқда.

Ўзбекистонда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугун миллий телекоммуникациялар тизимимиз дунёнинг 180 мамлакатига ўттизга яқин йўналиш бўйича турғидан-турғи узатиладиган халқаро каналларга эга. Телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшитириш-

лар интернет тармоғи орқали реал вақт режимида ҳақонга узатишмоқда. Эфир материалларини тайёрлаш жараёнида замонавий рақамли ва мультимедиа технологиялари қўлланилмоқда. Бу жараёнда нодавлат оммавий ахборот воситаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани муҳим омил бўлаётир.

Давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўша мажлисида тақдир этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш, телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш, телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яра-

тишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

— Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Ўзбекистонда мустақиллик йилларида телерадио соҳаси жадал ривожланмоқда, — дейди Австриянинг медиа-технология ва ахборот соҳасидаги ташқир савдо фирмасининг раҳбари Стефан Ландау. — Ўзбекистонда қабул қилинган миллий қонунчилик мазкур соҳани тубдан ислох этиш, Миллий телерадиокомпанияни энг замонавий ва илғор жиҳозлар билан таъминлаш имконини бермоқда. Бугун телерадио ривожи бўйича Ўзбекистон МДХ давлатларида етакчи ўрнида туради. Айни пайтда давр талабига жавоб берувчи юқори малакали кадрларни тайёрлашга катта эътибор қаратилаётгани бу борадаги ютуқлар салмоғини янада оширмоқда.

— Юртингиздаги электрон медиа тармоқдаги ислохотлар юқсак самаралар бераётир, — дейди Германиянинг «ZDF» минтақавий студиялар директори Йоханс Эдмунд Клаес. — Соҳада эришилган натижалар олиб борилаётган ислохотларнинг нечоғли тўғри эканини тасдиқламоқда. «ЎзНТТ» ҳамда «Форум-ТВ» нодавлат телеканаллари фаолияти билан танишувимиз асосида барча тармоқнинг, техник ишларнинг юқори сифат ва самовияда йўлга қўйилганига ишонч ҳосил қилдик.

— Ўзбекистонда телеиндустрия соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилаётгани, — дейди Жаңубий Кореянинг «Oleeh TV» телеканал раҳбари Ли Ёнг Ёл. — Қисқа фурсатда бу соҳада мамлакатимизда улкан ютуқларга эришилгани медиа тармоқни босқичма-босқич, тизимли, пухта ўйланган ва чуқур асосланган ҳолат асосида ривожлантириш имконини бермоқда. Айниқса, нодавлат электрон медиа тизимларини янада ривожлан-

тириш, уларни энг замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминлашга оид кенг қўламли чора-тадбирлар таҳсинга лойиқ.

— Ўзбекистонда медиа соҳасида илғор ахборот-коммуникация, рақамли технологиялар жадал қўлланилмоқда, — дейди Япониянинг «NEC» корпорацияси катта менежери Тору Сато. — Мамлакатимизда алоқа ва ахборот соҳаси ривожига кўрсатилаётган улкан эътибор ахборот-коммуникация тизимида корпорациямиз билан ҳамкорликда бир қатор лойиҳаларни муваффақиятли амалга ошириш имконини бермоқда.

Давра суҳбатида телерадио соҳасини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари, мазкур йўналишда самарали рақобатни яратишга оид масалалар атрофида муҳокама қилиниб, бу йўналишдаги миллий ва халқаро тажриба таҳлил этилди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

Хамкасб

Исмга фамилияни қўшиб мурожаат этиш ёши каттароқ, бирор касбнинг танилган кишиларига нисбатан ишлатиладиган атама бўлиб қолган. Мухиддин Жўраев бу ҳурматга ўқувчилик кезларидаёқ сазовор бўлган, десак, асло муболагага йўйманг.

«Садоқат»га садоқат

Мухиддин Жўраев

Мухиддин ўқувчилик кезларидаёқ Касби туман газетасининг жамоатчи мухбири сифатида кишлоқ ҳаёти, мактаблар фаолияти, турли касб эгалари ҳақидаги хабар, мақола ва лавҳалари билан газета саҳифаларида тез-тез кўриниб турарди. Дарслардаги фаолликдан ташқари, мактабда ўтказиладиган тадбирларни ташкил этишда қатнашар, айниқса, футбол машғулотларини



қанда қилмасди. Булардан ортиб деярли ҳар куни «Майманок» кишлоқ алоқа бўлимига йўл олди. Чунки бу ерга кечга яқин қапалига «Почта» деб ёзилган юк машинаси келар, алоқа бўлими ходимлари даста-даста газета ва журналларни, мактублар битилган хатжилдларни, жўнатмаларни қабул қилиб олишарди. Мухиддин эпчилгина эмасми, юқларни ташишга ёрдамлашиш асосида алоқачиларнинг «қадрдони»га айлиб қолганди. У ўзи ёқтирган матбуот нашрларини завок билан мутолаа қиларди. Шу тариқа ўқиш ва ўрганиш, ёзганларини тез-тез матбуотда чоп этилиши унинг журналистика касбига бўлган қизиқишини ошира борди.

Инсон ўз мақсади йўлида изланса, интилса, йўллар очила бораркан. Матбуотга бўлган қизиқиши боис Мухиддин Майманок кишлоқидан ҳамаси 50 қақирим узоқликда жойлашган Бешкент шаҳридаги қариндошлариникида истикомат қилиб, Қарши туман босмаҳонасида ишлаган пайтларини ҳозир ширин энтиқиб билан эслайди. Ёзганларини газета саҳифаларида ўқиш завқланган Мухиддин, ўшанда матбуот ва матбаа ишларининг сирларини, машаққатларини ўз кўзи билан кўрди. Газетачиликнинг бир қараганда осондек туюлган, аммо чуқур билим, зийраклик, масъулият, истеъдод ва меҳнат талаб этиладиган юмушларини сидқидилдан бажарди. Ҳатто ҳарбий хизматда бўлган чоғларида ҳам қоғоз ва қалам Мухиддин Жўраевнинг ҳамроҳи бўлди. Аскарлик ҳаёти акс эттирилган мақолалари билан газеталарда фаол қатнашди.

Ҳарбий хизмат ҳам тугади. Кўп ўтмай Касби туман газетаси муҳаррири, таниқли журналист Жўраев Юсупов майманоклик истеъдодли мухбирни излаб топди ва гап орасида уни тахририятга ишга тақлиф этди. Қутилмаган тақлиф Мухиддинни ҳаяжонлантириш юборди:

— Ахир, университетда ўқимаган бўлсам...
— Ҳечқиси йўқ, Мухиддинбой, — дея шоғирдиннинг гапини бўлди Жўраев Юсупов. — Сизнинг яхшигина қаламингиз бор. Бизга сизга ўхшаган ёш, қаққон, билимли ва истеъдодли қаламкашлар керак. Тақлимимга кўнсангиз, кам бўлмайсиз. Ҳали ёшсиз, ўқиш қочиб кетмайди.
Шундай қилиб Мухиддин Жўраев «Садоқат» газетаси тахририятда мусаффо бўлиб ишлаш бошлади. Иш жараёнида Жўраев Юсупов, Эшпўлат Жабборов, Қарим Пардаев, Файзулла Ҳожиёв, Болта Камолов, Ҳасан Маҳмудов, Бахтиёр Ражабов каби тахририят журналистларидан касб сирларини ўргана борди. Мухиддин Жўраев имзоси билан чоп этилган турли мавзудаги лавҳа ва очерклар муштарийлар томонидан илиқ кутиб олинди. Давлат ва халқ манфаатидан шахсий манфаатини устун қўювчи мансабдорлар, кўзбўямачи ҳамда олғирларни фош қилувчи танқидий материалларидаги далиллар ўз вақтида тасдиғини топди.

Тиниб-тинчимас қаламкаш Мухиддин Жўраев ижодий тажрибаларини ошира бориб, туман газетасида мухбир, бўлим мудири, масъул котиб лавозимларида фаолиятини давом эттирди. Орада болалик орзуси амалга ошди: Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида тахсил олди. Ўқиди. Изланди. Бу сазой-ҳаракатлари бесамар кетмади. Мана, ўн йилдан буён у «Садоқат» газетасининг беш муҳаррири сифатида ижодий жамоага раҳбарлик қилиб келяпти.

Газетамиз истиқлол йилларида мазмун ва сифат жиҳатидан анча шаклланди, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси аъзоси, «Ўзбекистон Мустақиллиги 20 йил» кўрак нишон соҳибни Мухиддин Жўраев. — Замонавий компьютерлар ишмизни осонлаштирди. Тахририятимизда кўп йиллардан буён фаолият юритиб келаятган Шариф Ҳасанов, Аҳмад Миракков сингари устоз журналистлар ўзларининг қимматли маслаҳатлари ва ёрдамларини ёш мутахассислардан аямашди. Дилором Саиднабиева, Очил Султонов каби ижодий ходимларимиз иш жараёнида касбга садоқатларини исботлашмоқда. Яна шуни таъкидлашни истардимки, Касби тумани ҳокими газетамиз аҳволидан хабардор, моддий-техник базамизни мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бераёпти. Ҳар байрамда газетамизнинг махсус сонлари рангли кўринишда чоп этилапти.

Яна бир гап: бир пайтлари илк машқларини газетамизга юбориб, шу ерда мухбирликка қўли келиб қолган ёш ижодкорлар ёки бир неча йил билан ёнма-ён ишлаганлардан бир нечтаси эндиликда республика, вилоят нашрларида самарали ижод қилишгаётганликларидан кўнглимиз тоғдек кўтарилади...

Абдулла АЙЎЗОВ

«Ақсарият одамлар балки, газетасиз эркин бўлмаган бўларди. деб ўйласалар керак. Шу сабабли ҳам биз газета эркин бўлишини истаймиз».

Эдвард Р.МЭРРОУ,
америкалик журналист, 1958 й.

Нашр

Мамлакатимиз ҳаётида кечаётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий, ҳуқуқий жараёнларни аҳолига етказиш, кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқасб. Бу борада Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳаммуассасислигида чоп этилиб келинаётган «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ҳуқуқий ташвиқот ва тарғибот манбаи



Яқинда нашрнинг янги сони чоп этилди. Журналнинг бу гапги сонидан ҳам бир қатор эътиборга молик мақолалар ўрин олган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Нигматилла Йўлдошевнинг «Мустақиллик барча ютуқларимиз асосидир» номли чиқишида ўтган 20 йил оралиғида мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилган ислохотлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя этиш йўлида эришилган муваффақиятлар ҳамда адлия органларининг жамиятда тугган ўрни хусусида фикр юритилган.

Ўзбекистон Экологик ҳаракати марказий кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Борий Алиқоновнинг «Истиқболли одимлар» деб номланган мақоласида эса юртимиздаги иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳимоя ва экологик ҳафсизлик тўғрисида сўз болади. Булардан ташқари, муаллиф ўз мақоласида Ўзбекистон Экологик ҳаракати фаолияти ҳақида ҳам тўхталиб ўтади.

Қайд этиш жоизки, нашрдан ўрин олган «Маънавий ислохотлар ва мустақил тараққиёт йўли», «Қучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишда давлат ва нодавлат ташкилотларининг фаолияти», «Ижтимоий шерикчиликнинг ҳуқуқий асослари», «Ички ишлар идоралари ходимларида инсон ҳуқуқлари маданиятининг шаклланиши масалалари», «Иштирокчиликда жиноят содир этган шахснинг криминалогик тавсифи», «Айрим хориж давлатларида жиноят-процессуал ҳуқуқда амнистия актини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари», «Алпомиш» дostonи ва кўнгиротларнинг илк этник маданияти» каби қатор чиқишлар ҳам мавзусининг долзарблиги, ўқишлиги билан аудиториянинг жиддий қизиқишига сабаб бўлади.

Бир сўз билан айтганда, «Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари» журналининг ушбу сонидан анча қизиқарли, баҳс-мунозараларга бой, илмий-маърифий материаллар талайгина. Уйлаймизки, ушбу нашрни варақлаш асосида сиз ўзингиз учун зарур маълумотларга эга бўласиз.

Азим РҮЗИЕВ

Фестиваль

Ижтимоий телерадиороликлар танлови

Ижтимоий мавзулар ҳар доим долзарблиги билан ажралиб туради. Соғлом турмуш тарзи, инсонпарварлик, асрий анъана ва урф-одатлар ҳамда миллий меросни асраб-авайлаш, жамият ҳаётига ҳавф солаётган турли иллатларга қарши курашиш масалаларига алоҳида эътибор қаратмасликнинг илоҳи йўқ. Шунинг учун ҳам юртимизда ОАВ орқали миллий кадриятларни тарғиб қилиш, мавжуд иллатларга қарши курашиш ва унинг салбий оқибатларидан аҳолини огоҳ этиш, жамиятда фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, мамлакатимизда ижтимоий соҳадаги ана шундай вазифаларни Ўзбекистон Электрон Оммавий Ахборот воситалари Миллий ассоциацияси (ЎзЭОАВМА)га аъзо 100 дан ортиқ электрон ОАВ ҳам фаол ёритиб келмоқда. Вилоятлардаги нодавлат теле ва радиостанцияларнинг ижодкорлари туркум лойиҳалар бўйича энг муҳим масалаларга бағишланган ижтимоий роликлар ва кўрсатувлар тайёрламоқдалар. Бадний савияси юқори ижтимоий мавзудаги медиамаҳсулотларни кўпайтириш, янгидан-янги ижодкорларни кашф этиш, аҳоли онгига ижобий таъсир қилувчи роликларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уч йилдан буён «Ижтимоий телерадиороликлар миллий фестивали» ўтказиб келинаётгани ҳам бу борадаги сазой-ҳаракатларга салобат бағишламоқда.



Бу йилги фестивалда жами 20 га яқин давлат, нодавлат, халқаро ва хорижий ташкилотлар ҳамкор ҳамда ҳомий сифатида қатнашди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Маҳалла» жамғармаси, Давлат солиқ қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, шунингдек, ЕХХТ, ЮНИСЕФ каби бир қанча халқаро ташкилотлар ҳамкорлиги қилган бўлса, Одам савдосига қарши кураш бўйича Идораларга комиссияси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси, Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Меҳр нури» хайрия жамғармаси, «Келажақ овози» ЕТМ, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, Бутунжаҳон

соғлиқни сақлаш ташкилоти, Хиндистан, Миср ва Латвиянинг мамлакатимиздаги элчихоналари ҳамкор сифатида қатнашди.

Бу гапги танловда 21 та теле-станция, 18 та радиостанция ҳамда 13 нафар мустақил ижодкор ўзларининг 323 та ижтимоий роликларини билан иштирок этди. Фестиваль Низомига биноан ЎзЭОАВМА Экспертлар кенгаши танловга келган талабнома ва материалларни қўриб қиқиб, унинг ҳар бир номинацияси бўйича учтадан номзоднинг ижодий ишларини Ҳакамлар ҳайъатига голибини аниқлаш учун тавсия этди.

Кунги кеча «Ўзбекистон» меҳмонхонасида Ижтимоий телерадиороликлар IV миллий фестивали бўлиб ўтди. Тадбирни ЎзЭОАВМА бошқаруви раиси Фирдавс Абдуқолиқов қиқиб сўзи билан очди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Абдулла Арплов фестивал иштирокчиларини қизғин табриқлаб, уларга омад тилади.

Тадбир аввалида «Озод юрт медиа фестивали» доирасида ўтказилган

ган «Мустақиллик — энг буюк неъмат» кўрик-танловининг ижтимоий роликлар йўналишида олий мукофотга сазовор бўлган «Сел» компанияси, «Мулоқот» телестанцияси, «Пойтахт радиоси» ходимлари тақдирланди.

Шундан сўнг, танлиқ жамоат арбоблари, Олий Мажлис Қонунчилик палаталари депутатлари Улуғбек Мухаммадиев, Абдурашид Жўрабов, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюشمаси раиси Шерзод Фуломов, Ўзбекистон телерадиокомпанияси раиси Алишер Ҳўжаев, шунингдек, бир қатор халқаро ташкилотлар вакиллари билан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати голибларни тўғридан-тўғри электрон овоз бериш йўли билан аниқладилар.

Фестивалда «Соғлом турмуш тарзини тарғиб қилувчи энг яхши телерадиоролик» йўналишида «Самарқанд СТВ» телестанциясининг «Фарзандлар тарбиясига масъулимиз», «Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, болалар ҳуқуқларини таъминлашга бағишланган энг яхши телерадиоролик» йўналишида «Истиқлол» телестанциясининг «Болалар орзусини сўндирмайлик», «Тадбиркорлар ҳуқуқи ва солиқ соҳасини либераллаштириш» номинациясида Жиззах телестанциясининг «Солиқ ҳисоботларини ўз вақтида топширинг, бу фаолиятнинг қонунийлигининг мезони», «Жамият ҳаётига ҳавф солаётган турли иллатлар ҳақида аҳолини хабардор этишга бағишланган энг яхши телерадиоролик» йўналишида «Форум ТВ» спутник телестанциясининг «Ҳаётинг ўз қўлингнда, алданиб қолма!» телерадиоролики голибликка сазовор бўлди.

— Фестивалда «Ҳаётинг ўз қўлингнда, алданиб қолма!» ролимиз билан қатнашдим, — дейди «Форум ТВ» ходими Азиз Аҳмадқонов. — Аммо голиб бўлишимиз мумкинлиги ҳақида ўйлаб кўрмагандим. Бу соврин ўз ўстида янада масъулият билан ишлашимга туртки беради. Фурсатдан фойдаланиб, фестиваль ташкилотчиларига ўз ташаккуримни билдираман.

Шундан сўнг рағбатлантирувчи номинациялар голиблари ушбу йўналиш таъсисчиси томонидан аниқланди. Унда «Форум ТВ», «НРТ Тошкент» радиоканали, НТТ, «Хилқат» телестудияси, «НТТ Қарши» канали, «Самарқанд СТВ» телестанцияси, «Водий садоси» радиоканали ходимлари тайёрлаган теле ва радиороликлар фестивалнинг «Миллий ва умуминсоний кадриятлар, эзгу анъаналар тарғиботи», «Экологик маданиятни ошириш», «Инсонпарварлик ва меҳр-муҳаббат», «Одам савдосига қарши кураш» йўналишларида рағбатлантирувчи мукофотларини қўлга киритди.

Фестиваль голиблари ЎзЭОАВМА, ҳамкор ва ҳомий ташкилотлар томонидан таъсис этилган қимматбахо мукофотлар ҳамда махсус дипломлар билан тақдирландилар. Тадбир сўнггида эстрада юлдузлари ўзларининг шўҳ-шодон қўшиқлари орқали давра қатнашчилари қалбига завоқ-шавоқ бағишладилар.

Маъмура ФАЙЗИЕВА

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ҚАЛЛОБ ДОРИФУРУШЛАР

Хитой полицияси қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқараётган жиноий гуруҳни қўлга олди. Катта миқдордаги сифатсиз дори воситалари мусодара қилинди.

Хенань вилоятида истикомат қиладиган харидор аёлининг мурожаати юзасидан олиб борилган суриштирув ишлари 4 ой давом этди. Натихада фирибгарлар Хитойнинг 8 та вилоятида қалбаки дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйгани маълум бўлди. Бундай дори-сирлар таркибда крахмал ва маккажўхори уни, шунингдек, инсон саломатлигига хавф туғдириши эҳтимоли бўлган хайвонлар учун мўлжалланган ем, кимёвий бўёқлар ва бошқа бирикмалар топилган. Жиноятга алоқадорликда гумон қилинаётган 114 киши қамоққа олинди.

Хозирча қандай дори воситалари қалбақлаштирилгани ва бу препаратлар қайси давлатларга экспорт қилингани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

2,4 МИЛЛИАРД ДОЛЛАРГА СУФУРТА ҚИЛИНДИ

«The Daily Telegraph» нашрининг ёзишича, куни кеча Лондон миллий кўргазмалар залида намойиш қилинган мўлжалланган Леонардо да Винчининг кўргазмаси 2,4 миллиард АҚШ долларига миқдорда сугурта қилинди. 3 ой давом этадиган мазкур кўргазмада суратларга путур етиши ёки ўғирлиниш эҳтимоли юқорилиги туфайли сугурта миқдори ошиб кетди.

«Милан хонадонининг мусаввири» номи мазкур кўргазма йилнинг марказий лойиҳалари сирасига киради. Унинг ўзига ҳосили шундаки, шу кунгача мусаввининг картиналари бир жойининг ўзида намойиш қилинмаган. Хозирча тўққизта нобб асарнинг 8 таси Лондонга келтирилган. Британияликлар суратларнинг аксариятини биринчи марта томоша қилиш имконига эга бўлишмоқда. Музей ходимларининг айтишича, миллий галерей аллақачон чипталарни рекорд натижа билан сотиб улгурган.

БИТТА ТИШГА ШУНЧАМИ?

«BBC News» тарқатган хабарларга қараганда, Жон Леннон тиши кимодиди савдосида 22,6 минг еврога сотилди. Тиш шифокори, стоматология косметикасига оид китоб муаллифи Майкл Зук афсонавий «The Beatles» гуруҳи асосчиларидан бирининг тишига эга бўлиб турибди.

«Тиш сотувга қўйилгани билганим ҳамона, у меники бўлишини тушуниб етдим», — дейди М.Зук. У қўлга киритилган тишни кейинчалик ўзининг иш жойида ва бошқа стоматология клиникалари ҳамда коллежаларда кизиқувчиларга намойиш этишини режалаштирмоқда. Қўшқичи Жон Леннон тишини ўзининг хизматкори бўлмиш Дот Жарлеттнинг қизига «The Beatles»нинг ашаддий мухлиси бўлгани учун совға қилган. Тишни сотувга қўйганлар ҳам Жарлеттнинг қариндошларидир. «Omega Auctions» вакиллари Леннон тишига таъриф берад экан, «У кимодиди савдосига қўйилган нарсалар ичида энг нобби ва галатисидир», — деб фикр билдиришди.



СУД ИШИ НИХОЯСИГА ЕТДИ

Суд ҳайъати бир овоздан Майкл Жексон ўлимига унинг аввалги шифокори Конрад Мюррейни айбдор деб топди. Ушбу иш бўйича чиқарилган ҳукми 7 ноябрь куни Лос-Анжелес судида эълон қилинди.

Конрад Мюррей энди 4 йиллик қамоқ жазосини ўтати мумкин. Бунинг устига, у шифокорлик лицензиясидан ҳам маҳрум этилади. Шунингдек, суд қарорига кўра, Мюррей тўлов эвазига озодликка чиқолмайди, у жазо муддатини тўлиқ ўтати шарт.

Эслаб ўтамиз, шифокор 2009 йилнинг 26 июнида Майкл Жексонга тинчлантирувчи пропифол препаратини кўп миқдорда бергани боис унинг ўлимига сабабчи бўлганлиги айбланган эди. Мюррейнинг адвокатлари эса дори воситаларига боғлиқ қолган Майкл Жексон уйқусизликдан қийналиб, препаратни ўзига ўзи жўнатганини исботламоқчи бўлишганди.

«ҚУЁШ ДОГЛАРИ»НИНГ ТАЪСИРИ

«Пулсар» порталида хабар қилинишича, қуёшдаги кучли портлаш оқибатида юзага келган ва «қуёш доғлари» дея ном олган улкан жисмларнинг яқин кунларда Ер сайёраси томон ёпирилиш эҳтимоли бор. Бунинг оқибатида сайёрамизда кучли магнит бўрони кузатилиши мумкин.

АҚШнинг океан ва атмосферани тадқиқ қилиш Миллий бошқармасига қарашли космик об-ҳавонидан олдиндан айтиш маркази олимларининг таъкидлашларича, ҳозирда қуёшдаги фаол ҳудуддан ажралиб чиқаётган 1339 та энергияга эга доғлар ёритқичнинг Ерга тескари томонига отилмоқда. Аммо ўтган ҳафтада қуёшдаги фаоллик кўрраи заминимизнинг Европа ва Америка қитъаларига маълум даражада таъсир этди. Натихада ушбу қитъаларда радиотўқинларни узатишда маълум ўзгаришлар қайд этилди.

«Қуёш доғлари» мазкур улкан юлдуз ичида содир бўлаётган юқори магнитли босим таъсирида содир бўлмоқда. Бундай ички портлашларнинг энг кучлиси 2013 йилда рўй бериши кутулаётти. Агар бу содир бўлса, «қуёш доғлари»нинг сайёрамиздаги навигация ва алоқа тизимига жиддий хавф солиши, одамлар соғлигига салбий таъсир этиш эҳтимоли юқори, дейишмоқда олимлар.

Отабек ОТАЁРОВ тайёрлади

«TOSHKENT KIM OSHDI SAVDOLARI» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ

Ўтказилган аукцион савдолари натижаларига кўра Суд департаменти Тошкент шаҳар бошқармасининг давлат рақами 10AS222 бўлган «Нексия» 7600000 сўмга; давлат рақами 10AE894 бўлган «Нексия» 8100000 сўмга; давлат рақами 10AP915 бўлган «Нексия» 8800000 сўмга; давлат рақами 10BC034 бўлган «Нексия» 7800000 сўмга; давлат рақами 01/411EBA бўлган «Тико» 5000000 сўмга; давлат рақами 10AK433 бўлган «Дамас» 7100000 сўмга; давлат рақами 10AY747 бўлган «BA3-21102-119» 4450000 сўмга; давлат рақами 10AY757 бўлган «GA3-3110-101» 5750000 сўмга; давлат рақами 10BD200 ва давлат рақами 10AX888 бўлган иккита «GA3-3102-311» 6000000 сўмдан; Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги Тошкент шаҳар Савдо бошқармасининг автокорхонаси тасарруфидоги давлат рақами 10TQ748 бўлган «GA3-3307» 2850000 сўмга; Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирлиги Савдо бошқармаси 2-чи ҳарбий савдо ташкилотининг давлат рақами 11IP669 бўлган «GA3-53 АБШ» 1725000 сўмга; давлат рақами 11PR670 бўлган «GA3-53 АБШ» 680000 сўмга; «Олмазор тумани тарахлар бошқармаси» ДУК балансидаги давлат рақами 10TH309, бўлган «Нексия» 10000000 сўмга давлат рақами 01685 LBA бўлган «Тико» 5100000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

«Reuters» газетаси

ЎЛГИЗЛИК — ЁМОН ТУШЛАР САБАБЧИСИ

Ўлғиз киши тунда ёмон ухлайди — шу мазмунда газетанинг навбатдаги сониди тадқиқотчи муаллифининг мақоласи чоп этилди. Унда таъкидланишича, Ўлғизлик инсонни нафақат бахтсиз қилади, балки унинг соғлиги учун ҳам катта хавф туғдиради.

REUTERS

Чикаго университети тадқиқотчиси Лиан Курина ва унинг ҳамкасиби мамлакатнинг Жанубий Дакота штатида танҳо яшовчи фуқаролар мисолида туш моделларини ўрганиб чиқишди. Тадқиқот натижаларининг батафсил шарҳи «Sleep» журналида эълон қилинган.

«Туш тадқиқотлари учун 95 та билан датчикларидан фойдаланилди. Ўлғиз одамларнинг туши тез-тез узилиб қолади. Улар туш кўриш жараёнида кўп безовта бўлишди, бақирши ва терлаш ҳолатлари кузатилади», — дейлади мақолада.

«Daily Mail» газетаси

ЭНДИ ҲАҚИҚИЙ ПАРВОЗНИ КУТИШАДИ

Худди Марс сайёрасида яшаган каби махсус камерада 520 кун давомида «истикомат» қилган 6 космонавт бу ҳафта ўз тажрибаларини ниҳоясига етказди.



«Daily Mail» газетаси шу ҳафта мақола эълон қилди. Унда баён қилинишича, космонавтлар жума куни Москва шаҳридаги Россия биомедицина муаммолари институтига жойлашган «космик кемалари»дан ташқарига чиқишди ва сабр-тоқат билан «қизил сайёра»га бўладиган ҳақиқий парвозни кутишди.

Экипаж аъзоларидан бири, француз инженери Роман Шарль ўз кундалигига қўйидаги сўзларни ёзиб қўйди: «Халқаро экипажимиз ўз ишини муваффақиятли якунламоқда. Биз бундан ярим йил аввал берилган саволга ижобий жавоб бераётганимиздан мамнунмиз». Ушунда космонавтларга «Марсга парвоз вақтида инсон физиология ва руҳий жиҳатдан бардош бера оладими?» деган савол қўйилган эди.

«Албатта, ҳаммаси бир маромда бўлгани йўқ, — дейди Европа космик агентлиги мутахассиси Патрик Сандбленд. — Август руҳий нуқтаи назардан энг оғир ой бўлди: бу энг эрикарли вақт, чунки бу вақтда барча яқинларимиз таътилга чи-

Хориж матбуоти саҳифаларида

қиши ва бизга улардан жуда кам SMS хабарлар етиб келди. Овқат танлаш масаласи ҳам мақтанлик бўлмади».

«Экипаж локдан тушган, камиди уч кун карантинда бўлади», — деб маълум қилади мақола сўнггида муаллиф.

«La Stampa» газетаси ХИТОЙЛИК БЎЙДОҚЛАРИНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

«La Stampa» газетасининг ёзишича, «Хитой Халқ Республикасининг бундан 30 йил аввал аҳоли кўпайиб кетишининг олдини олиш мақсадида қабул қилган «Бир оила — бир фарзанд» демографик сийбати бугун қутилмаган оқибатларга сабаб бўлмоқда.



«Нихоқ агентлигининг маълум қилишича, мамлакатда қизлар сонининг камайиб кетиши сабабли хорижлик қизларга уйланиш ниятидаги буйдоқ йигитлар тобора кўпчиликини ташкил этмоқда. Хитой қонунларига кўра, бундай ниҳоқ йигитлардан анчагина маблағ талаб қилади, яъни маълум миқдорда пул тўловлари амалга оширилади. Бу ерда гап Хитой қишлоқларида яшовчи йигитларга Вьетнам қизларини тасвир қилаётган агентликлар фаолияти ҳақида кетмоқда. Улар ҳатто қизлар қочиб кетган тақдирда бошқасини тақлиф қилишди. Қонуний амалга оширилмаётган ана шу бизнеснинг ривожланиши натижасида яширин аёллар савдоси тобора авж олмақда», — деб ёзади мақола муаллифи.

Газетанинг хабар қилишича, сўнгги икки йил давомида маҳаллий полиция Хэбэй провинциясида тирик товар сифатида сотиб юборилган ёки ўғирланган 3500 нафар аёллар ва болаларни озод қилган. Жабранувчилар асосан Хитой қўшнилари — Мўғлистон, Шимолий Корея, Бирма ва Вьетнам фуқароларидир.

— Ноконуний одам савдоси билан курашиш агентлиги 2009 йилдан эътиборан полиция билан ҳамкорликда 429 та уюшган жиноий гуруҳни фож қилиб, 556 қонунбузарни жазога маҳкум этган, — дея маълум қилади Хэбэй провинцияси давлат ҳафсизлиги кенгаши аъзоси Янг Це Ли.

Шаньдун провинцияси полицияси яқинда яна бир ана шундай уюшган жиноятчи гуруҳининг кирдикорларини очиб ташлагани ҳақида маълумот тарқатди. Бу гуруҳ аёлларни ноконуний ўшлаб турган ва фарзанд туғиб бергани ҳамда вақтинча она бўлгани учун пул тўлаган. Улар ҳар бир янги турган ўғил бола учун 50 минг юан (тахминан 6 минг евро), қиз бола учун эса 30 минг юангача (тахминан 3 минг 500 евро) пул маблағи тўлашган.

Уллубек АСРОПОВ тайёрлади

Молия муассасаларида

Юрт ободлиги ва яратувчанлик ғоялари таянчи




Дунё бозорида асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи ўсиб бораётган бир шароитда юртимизда уларни ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича қалбни қувончга тўлдирадиган ишлар амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, жаҳонда молиявий инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этишдек мураккаб даврга тўғри келаётгани тадбиркорлик субъектларининг молиявий таянчи бўлган тижорат банклари хусусан, ўз обрўи ва салоҳиятига эга бўлган «Агробанк» ОАТБ зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Молия муассасасининг яқинда пойтахтимизда ўтказилган VII Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркасида ҳам муносиб иштирок этгани унинг нуфузи тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

ҳажми, сифати муҳим аҳамиятга эга. Шундан келиб чиққан ҳолда, «Агробанк» ОАТБ миқдорларига кишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида аграр соҳада узум, мева-сабзавот, картошка ҳамда полиз экинлари етиштиришни кўпайтириш мақсадида шахсий-ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига уруғлик, кўчат, минерал ўғит ҳамда ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини сотиб олиш учун микрокредитлар ажратиш каби бир қатор сифатли хизмат турларини тақлиф этмоқда. Шунингдек, ҳудудларда муқобил ёнилғилар асосида ишлайдиган иссиқхоналар ташкил этишга ҳамда чорвачилик, паррандачилик ва асаларчиликни ривожлантиришга қаратилган, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш учун кредитлар йўналтириляпти. Жойларда сув ресурсларидан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида томчилатиб суғориш технологиясининг жорий этилишига молиявий жиҳатдан кўмаклашиб, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган параметрларга мувофиқ кишлоқ хўжалиги техникаларини сотиб олиш учун кредитлар бериш йўлга қўйилган.

Жорий йилда шахсий-ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига мева кўчатларини сотиб олишга 190 мил-



лион сўмдан зиёд, янги боғлар барпо этиш учун қарийб 400 миллион сўм (шундан интенсив боғлар барпо этиш учун 334 миллион сўм) миқдоридоги кредитлар йўналтирилди.

Фермер хўжаликларига узумзорлар ташкил этиш, мева кўчатлари, сабзавот, полиз экинлари ва картошка уруғларини сотиб олиш учун 2 миллиард сўмга яқин тижорат кредитлари берилди. Бундан ташқари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида 2011 йилнинг ўтган даври мобайлида балиқчиликни ривожлантириш учун Булунгур туманидаги «Фозил Йўлдош», Пайариқ туманидаги «Мамарайим ўғли Эргашбой», Иштихон туманидаги «Бешик балиқчилари» каби бир қатор фермер хўжаликларига тижорат кредитлари ажратилди.

Паррандачилик ва чорвачиликни тараққий топтириш учун эса «Агробанк»нинг туман филиаллари орқали 500 миллион сўмга яқин кредитлар берилди. Лошидаги «Бек нур Оқдарё» фермер хўжалиги, Пайариқ туманидаги «Алишер парранда сервис» хусусий корхонаси, Иштихон туманидаги «Ровотлик Юсуф РМЮ» фермер хўжалиги, Жомбой туманидаги «Хонбуви Абдуллаева» фермер хўжалиги, Нуробод туманидаги «Хусроб Жаҳоир ишончи» хусусий корхонаси ҳамда Пастдарғом туманидаги «Бах-

қўшилган ҳисса дейиш мумкин.

Бугун молия муассасасида аҳолининг барча қатламларига мўлжалланган 25 дан зиёд омонат турлари жорий этилган бўлиб, «Барака» омонат тури аҳоли эътиборини тортапти. Шунингдек, «Агробанк» ОАТБ юридик шахслар учун мўлжалланган номинал қиймати 1 миллион сўм бўлган депозит сертификатларини тақлиф этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 8 июлдаги қарорига асосан тижорат банкларининг қимматли қоғозларига бир йилдан ортиқ муддатда жойлаштиришдан олинмаган фойзлик даромадлари бўйича юридик шахслар 5 йил муддатга солиқдан озод этилади. Фуқаролар ушбу депозит сертификатларини банкнинг исталган филиалидан сотиб олишлари мумкин.


Кўриниб турганидек, молия муассасаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, уларга имкониятлар яратиш борасидаги хизматлар қўламини кенгайтириб бормоқда. Натихада ҳам чаккимас. Жойларда бир қатор маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар аужуда келмоқда, юрагиди ўти борлар ўз ишбилармонлиги, тадбиркорлиги билан юрт тараққийига хизмат қилаётти.

Ислом СУЛТОНОВ,
«Hurriyat» мухбири

Келажакка интиланган ўтмиш

Моддий ва маънавий ёдгорликлар келажакни ўтмиш билан боғловчи воситалар саналади. Уларни жамлаб, авлодларга етказишда эса музейларнинг ўрни беқиёс. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Темурийлар тарихи давлат музейи шундай мўътабар масканлардан биридир.

Музей биносининг ташқи кўринишиёқ киши эътиборини тортлади. Бино Темурийлар даври ҳамда замонавий меъморчилик анъаналарига уйғун тарзда қурилган. Музейда сақланган 3 мингдан зиёд экспонатлар ўша даврдаги илм-фан, маданият, санъат, хунармандчилик, меъморчиликнинг юксак тараққиётини хабар бериб туради. Булар — Амир Темур ва Темурийлар даврига оид меъморчилик обидаларининг макетлари, қўлэмалар, ёзишмалар, кумуш ва мис тангалар, саркарданнинг ҳарбий анжомлари, Гўри Амир мақбарасидан олинган ашёлар, сопол ва мис буюмлар, меъморий қопламалар, XIX-XX асрларга оид китоблар, тангалар, этнографик буюмлар...



Ташкил этилганига ўн беш йил тўлиб-тўлмайдиган музей дунё жамоатчилиги эътиборини қозонди. Бугун унинг хазинаси Эрон элчихонаси совға қилган Амир Темур ва Темурийларнинг қўшни давлат ҳукмдорлари билан ёзишмалари, Хиндистон элчихонаси тортиқ этган бир қанча ноёб қўлэмалар нусхалари, Покистон, Хитой элчихоналари, Малайзия, Қозғистон, Россия, Грузия, Туркия ва бошқа давлатларнинг хос тўхталари янада бойитиб турибди.

Музейдаги экспонатлар билан танишиш учун бу ерга ҳар кун узоқ-яқиндан юзлаб томошабинлар келиб кетишади. Куннинг қай вақтида борманг, музейда мактаб, коллеж, лицей ўқувчиларини ё бўлмаса талабаларни учратишингиз мумкин. Мамаклатимизга қадим ранжидан қилган сайёҳларнинг эса бу даргоҳга келмаган кунни йўқ.

Давлатингиз тарихига оид айрим маълумотлардан аввал ҳам бохабар эдим, — дейди музейга ташриф буюрган малайзиялик Муҳаммад Ашфар Али. — Бу ерга келиб, ал Хоразмий, ал Бухорий каби алломалар ҳам ўзбекистонлик бўлганлигини, уларнинг шахсияти ва дунё тамаддунига қўшган ҳиссалари ҳақида батафсил маълумотга эга бўлдим. Дунё тан олган буюк саркарда Амир Темурнинг эса жуда улкан ишларга қодир бўлгани — маънавият, илм-

фан, маданиятга катта эътибор қаратганини, устозларини беҳад улуғлаганини, уларнинг вафот этган жойларини обод қилганини, замондош бўлган олим ва алломаларга алоҳида эътибор қаратганини шу заминга келиб билдим.

Музейимизга хорижий давлатлардан фан ва маданият намояндалари, расмий делегациялар ҳам тез-тез ташриф буюришади, — дейди музейнинг экскурсиялар бўлими бошлиғи Ҳикमत Ойнаев. — Шу пайтгача музейга жаҳоннинг турли давлатларидан 700 дан зиёд меҳмонлар келишган. Улар Темурийлар даври тарихи билан танишиб, жуда катта таассуротларга эга бўлишмоқда.

«Музейнинг фахрий меҳмонлар китоби»га Озарбойжон Республикаси Президенти Гайдар Алиев 1996 йил 22 октябрда шундай дил сўзларини ёзиб қолдирган экан: «Чуқур ҳаёжон ва катта ҳурмат ила улуг Амир Темур музейи билан танишдим. Музей экспонатлари буюк давлат арбоби, саркарда, ўзбек халқининг улуг фарзанди Амир Темур ҳақида тўлақонли маълумот беради. Ўзбекистон халқига катта раҳмат. Амир Темурнинг тарихий меросини авайлаб, ҳурмат билан қараш юқори маънавият ва донолик белгисидир».

Музейдан турли хил кўргазмалар ҳам ўрин олган бўлиб, улардан бири жорий йил 9 апрелда Соҳибқирон таваллудининг 675 йиллиги муносабати билан ташкил этилган. «Темурийлар дав-

латининг дипломатик муносабатлари» деб номланган мазкур бўлимда дипломатик алоқаларга бевоқиф дахлдор тарихий мактубларнинг нусхалари — Амир Темурнинг Йилдирим Боязидга йўлланган мактуби, Йилдирим Боязиднинг Амир Темурга жавоби, Амир Темурнинг, Шоҳрух мирзонинг Миср ҳукмдорига юборган мактублари, Султон Ҳусайн Бойқаронинг Узун Ҳасанга йўллаган мактуби ва бошқалар ўрин олган.

Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, меъморчилик, тасвирий ва амалий санъат, адабиёт, мусиқа санъати юксак тараққий этгани бизга тарихдан маълум. Бугунги кунда турли сабабларга кўра бошқа юртларга олиб кетилган Темурийлар даврига оид қўлэмалар асарлар, бадий хунармандчилик буюмлари ва санъат намуналари дунёнинг энг машҳур музей ва коллекцияларида сақланиб, томошабинларни ҳайратга солмоқда. Музейдаги «Жаҳон хазиналаридаги Темурийларга оид жаҳоҳирлар» кўргазмасидан Россия, Туркия, АКШ, Франция, Англия каби давлатларда сақланаётган Темурийлар даврига оид қимматбаҳо ашёлар — Мирзо Улуғбек, Султон Ҳусайн «мирзо» номи ёзилган пиёбалар, Мироншоҳнинг узук-муҳралари ҳамда ўша давр бадий хунармандчилик буюмларининг нусхалари жой олган. Яқинда музей фонди ана шундай янги экспонатлар билан бойиди.

Санкт-Петербургдаги давлат Эрмитажда сақланаётган Мироншоҳ Мирзо ҳамда Гавҳаршодбегим узук-муҳраларининг нусхалари яратилиб, музейга совға қилинди.

Музей ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини тарғиб этиш мақсадида ўз экспонатлари билан халқаро кўргазмаларда ҳам қатнашиб туради. Хусусан, 1996 йили Францияда ўтказилган «Темурийлар ренессанси», 2000 йили Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган «Экспо — 2000», 2004 йили Австралиянинг Сидней шаҳридаги Паурхас музейида ўтказилган «Ерқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси» халқаро кўргазмаларида музейнинг ноёб экспонатлари намойиш этилди.

Музей ва унинг экспонатлари билан яқиндан танишиш мақсадида кўргазма залларини томоша қилиб юрганимизда қизалоқни етаклаб олган бир аёлга кўзимиз тушди. Ўзини Дилбар Жумаева дея таништирган бу аёл фарзанди таътилга чиққанини, унинг вақтини мазмули ўтказишини истаб, бу ерга олиб келганини таъкидлади. Музейдан узоқлашарканман, кўнглимда «гурур» ҳисси пайдо бўлди: улуг боболаримиздан бизгача етиб келган осори-атиқаларнинг тарбиявий аҳамияти беқиёсдир, яна бир бор амин бўлдим.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» муҳбири

«Ишонч телефони» — тадбиркор ҳимоясида

«Саховат» қўшма корхонаси раҳбари А.Захарян Олтинсой туман Ер ресурслари ва давлат кадастри идораси ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб «Ишонч телефони»га кўнгирак қилди. Ушбу мурожаат ўрганилганда «Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида»ги Қонун талаблари бузилганлиги аниқланди. Шунга кўра туман кадастр хизмати бошлиғи А.Қ.га нисбатан Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 43- ва 241-моддаларига асосан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, кўриб чиқиш учун жиноят ишлари бўйича туман судига юборилди.

Мазкур маъмурий иш жорий йилнинг 8 август кунинда суд томонидан кўриб чиқилиб, суд қарорига асо-

сан жавобгар шахсга нисбатан МЖТКнинг 43 ва 241-моддаси 1-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридан жарима жазоси тайинланди. Шунингдек, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш ва қайта тақрирлаш хусусида вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасига жорий йилнинг 20 июль кунини тақдимино киритилди. Тақдиминода қайд этилган қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйган Олтинсой туман кадастр хизмати бошлиғи эгаллаб турган вазифасидан озод этилди.

Д.ТАНГИРҚУЛОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бўлими бош маслаҳатчиси

Ҳурматли юртдошлар!

Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккиланмай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги «Ишонч телефони»га кўнгирак қилинг. Адлия органларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

№	Адлия органи номи	«Ишонч телефони» рақамлари	Махсус «Ишонч телефони»
1	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371)236-26-99, 233-47-68, 236-05-09, 236-79-24	008
2	Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги	(371)223-34-00, 233-71-93	008
3	Тошкент шаҳар адлия бошқармаси	(371)262-92-42, 269-14-45, 269-03-98	008
4	Андижон вилоят адлия бошқармаси	(374)224-45-94, 222-30-89	008
5	Бухоро вилоят адлия бошқармаси	(365)223-74-16, 223-21-20	008
6	Жиззах вилоят адлия бошқармаси	(372)771-64-71, 771-64-81, 771-64-82	008
7	Қашқадарё вилоят адлия бошқармаси	(375)223-01-64, 223-01-73	008
8	Навоий вилоят адлия бошқармаси	(436)223-80-47, 223-01-38	008
9	Наманган вилоят адлия бошқармаси	(369)226-51-93, 226-36-62, 226-78-93	008
10	Самарқанд вилоят адлия бошқармаси	(366)233-04-62, 233-13-59	008
11	Сирдарё вилоят адлия бошқармаси	(367)235-09-69, 225-41-19, 225-19-50, 225-30-50	008
12	Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси	(376)223-26-84, 223-44-35, 223-19-15	008
13	Тошкент вилоят адлия бошқармаси	(371)280-50-98, 280-51-06, 253-30-02, 280-50-96	008
14	Фарғона вилоят адлия бошқармаси	(373)224-15-49, 224-30-91, 224-04-87	008
15	Хоразм вилоят адлия бошқармаси	(362)226-86-47, 226-65-50, 226-17-75	008

E-mail: info@minjust.gov.uz

▶ Тадбиркорлик субъектларида

Барханлар бағридаги обод маскан

Зарафшон шаҳри деганда, кўз ўнгимизда тўрт тарафи ўрқач-ўрқач барханлар билан ўралган салобатли шаҳар гавдаланади. Навоий вилоятининг гўзал ва кўркем масканларидан бири бўлган бу шаҳар кўнгли очиқ, саховатли, меҳнаткаш инсонлари, кўп миллатли бунёдкор ва ҳамжиҳат халқи билан ҳам доврақ қозонган.

этиш, хориж инвестицияларини жалб қилиш борасида янги имкониятлар эшигини очиб берди.

Худудда амалга оширилаётган кенг қўламли ишларга вилоят ҳокимининг ўзи бошқош бўлаётгани уларнинг янада самарли бўлишини таъминламоқда.

Ўз номи билан «Зарафшон» — зар тарқатадиган бу саҳий масканни чиндан ҳам мамлакатимизнинг жаҳоҳир шаҳрига қиёс этиш мумкин. Чунки унинг ёнгинасида дунёдаги энг улкан олтин конларидан бири бўлмиш «Мурунгов» кони жойлашган. Бундан ташқари, шаҳарда Навоий тоғ-кон металлургия комбинатининг Марказий кон, заргарлик бошқармалари, «Агама» давлат трикотаж фабрикаси, «Амантайтау — Голд-

филдс» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш муассасалари мавжуд. Шунинг ўзиёқ Зарафшоннинг мамлакатимиз тараққиётида нечоғли ўрин тутганини кўрсатиб турибди. Бу корхоналар нафақат шаҳар ёки вилоят, балки мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Бугунги кунда шаҳар иқтисодиёти вилоят молиявий ривожини ҳамда ҳамоҳанг тарзда ривожланиб бормоқда, ишлаб чиқариш кўрсаткичлари шиддат билан ўсаяпти. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қаратилаётган эътибор, уларга яратилаётган имкониятлар фуқароларни иш билан таъминлашда, аҳолининг турмуши фаровон, дастурхони тўкин

бўлишида ўз самарасини кўрсатаётти. Бунга жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Хусусан, «Зарафшон сайқали» хусусий корхонаси ва унинг тасарруфидати минимаркет 14 йилдан буён шаҳар ҳудудидидаги янги Зарафшон кўргони аҳолисига хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда кенг ассортиментдаги сифатли маҳсулотларнинг арзон нархларда аҳолига тақдим этилаётгани қувонарли ҳол.

Айни пайтда минимаркетимизда тўрт киши иш билан таъминланган, — дейди корхона раҳбари Нозимжон Тўхтаев. — Биз — тадбиркорларнинг қувончу ташвишларимиз халқимиз билан эш. Шунинг учун келажакда аҳоли манфаати йўлида хайрли ишларни ҳам амалга оширишни режалаштираёلمиз.

Мазкур минимаркетни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатса, арзийди, — дейди шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходими Зокир Қодиров. — Чунки харидорлар ҳам нақд пул билан, ҳам пластик карточкалар орқали савдо қилиш имкониятига эга. Нархлар ҳам қолганларига қараганда анча арзон. Маҳсулотлар сифати ҳақида-ку, гапирмаса ҳам бўлади. Бундан аҳоли жуда мамнун. Энг асосийси, солиқлар ўз вақтида тўлаб турилибди.

«Техсервис» — Газ — Зарафшон» масъулияти чекланган жамияти автомобилларни таъмирлаш ва ёқилги қуйиш шохобчалари орқали автоуловли кишиларга малакали хизмат кўрсатиб келмоқда. Яқинда жамият раҳбарияти яна бир хайрли ишни бошлашга қарор қилишди. Уч гектар майдон харид қилиниб, у

ерда 32 минг товуқни парвариш қилишга мўлжалланган замонавий фабрика қуриш ишлари бошлаб юборилди. Шу кунгача ҳудуд аҳолиси учун туҳум ва товуқ гўшти Навоий шаҳри ҳамда Бухоро вилоятидан олиб келинарди. Табиийки, анчагина «йўл босиб» келган бу маҳсулотларнинг нархи ҳам сезиларли даражада қимматлашади. Энди зарафшонликлар ўзларида етиштирилган арзон, сифатли парранда маҳсулотларидан баҳраманд бўлиш имкониятига эгалар.

Фабрика учун 193 минг АКШ долларини қийматидаги зарур жиҳозларни Украинадан олиб келиш режалаштирилган, — дейди ёш тадбиркор, корхона раҳбари Нуриддин Хўжабердиев. — У ишга тушган, 10 киши иш билан таъминланади.

Шаҳар аҳолисини кишининг қаҳратон кунларида ҳам сабзавотлардан баҳраманд этишга, шу орқали фойда орттириб, хайрли ишларга бош-қош бўлишга бел болаган тадбиркорлар кўп. Масалан, Нўрмон Халилов раҳбарлик қилаётган «Сўғдиёна» МЧЖга қарашли 73 сотихлик иссиқхонада айни пайтда помидор, бодбиринг каби кўплаб савзавот маҳсулотлари етиштирилмоқда.

Ҳар сотих ердан 1 тоннадан ҳосил олишни мўлжаллаётган, — дейди тадбиркор. — Насиб этса, янги йил арафасида сархил полиз маҳсулотларини бозорга чиқарамиз. Кишининг қаҳратонига қарамай, янги йил байрами кунларида иссиқхонамизда етиштирилган маҳсулотлар аҳоли дастурхонини безаши биз учун катта шараф. Ай-



ниқса, Голландиянинг «Миллин» тезпишар бодбиринг нави ўзининг хуштаъмлиги билан барчага манзур бўлади, деб ўйлайман.

Зарафшон шаҳридан 50 километр узоқликда жойлашган Догустов кўргонидаги Озода Нурова раҳбарлик қилаётган «Камарбаста» минимаркети ҳам 2323 киши истиқомат қилаётган ҳудуд аҳолисига беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилган.

Маҳаллодошларимиз ўзларига зарур буюмларни айнан «Камарбаста»дан харид қилиш имкониятига эга бўлдилар, — дейди «Догустов кўргон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Элмат Мадаминов. — Минимаркет чин маънода барчанинг дастурхонини обод қилмоқда, десам янглишмайман.

Бундай илиқ фикрларни Носир Хатамов раҳбарлик

қилаётган «Хуршеди сузон» масъулияти чекланган жамияти ва Қобил Исмоилов бошчилигидаги «Машхура» хусусий савдо дўқони хусусида ҳам билдириш мумкин.

Ўқоридаги мисоллардан ҳам кўришиб турибдики, Зарафшон шаҳри аҳолиси бугун Истиклол баҳшида этган неъматлардан баҳраманд бўлиб яратиш завқи билан яшамоқда. Юрт, миллат келажак деб фидокорона меҳнат қилаётган ишбилармонлар ҳам хайрли мақсадларни кўнгирилари тугиб, аҳолини озик-овқат ва бошқа зарур моллар билан таъминлаш йўлида самарали иш олиб боришапти. Бир сўз билан айтганда, тўрт тарафи барханлар билан ўралган Зарафшон шаҳрида амалга оширилаётган ишлар кўнгирилари сурур, дилларга туганлагас завқ-шавқ баҳшида этади.

Темур ИСЛОМОВ

Навоий — республикада саноат соҳасида улкан салоҳиятга эга вилоят. Бепоеён Қизилқум кенгликларида жойлашган бу ҳудудда 20 тадан зиёд йирик саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2008 йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал — иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги фармони вилоятнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини янада мустаҳкамлади, транспорт ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, юқори технологияларини жорий



«Кўрғошин»

«Ёзулик империяси» номи билан дунёни титратган шўроларнинг сиёсатбардорларидан бири Йосиф Сталин бир кунги ўз амалдорларига халқни бошқариш санъатидан сабоқ бермоқчи бўлибди. Империянинг казо-казолари ўтирган хонага жўжа олиб келишибди. Биринчи шахс бепарвогина парранданинг патларини юлиб, уни сал нарига иргитибди. Кейин айёлларига мағрур назар ташлаб: «Халқни мана шундай бошқариш керак», деган экан. Бу воқеа ўша давр руҳи ва сиёсати ҳақида мукамал тасаввур уйғотиши учун кифоя қилса керак.


Мамлакатимиз тарихига «Қатагон даври» номи билан кирган 1934 — 1953 йилларда 100 мингдан зиёд бегуноҳ одамлар совуқ ўлкаларга сургун қилинди, 13 минг киши сабасиз қатл этилди... Таниқли кинорежиссёр Зулфигор Мусоқовнинг «Кўрғошин» номи бадийий фильми айна ўша даврда давлат тепасида бўлган кишиларнинг кўнгил кечинмалари, улар атрофида рўй берган воқеалар ҳусусида ҳикоя қилади. Фильмда Сталин вафотидан салгина аввал алоқа келган ҳолатлар, шўролар тузумининг калтабин сиёсати моҳирлик билан тасвирланган. Айниқса, хронологик кадрларнинг фильмага уйғунлаштириб юборилгани «Кўрғошин»да ўша давр колоритини аққол акс эттишига замин ҳозирлаган.

Фильм воқеалари республиканинг ички ишлар раҳбари — Рим Марлен (Темур Мусоқов) тилидан ҳикоя қилинади. Бош қаҳрамон Умар Қодиров (Бобур Йўлдошев) завод ичиси. Уни бир кунги ярим кечаси НКВДга олиб келишади. Сабаби қимсан Сталин телефон қилиб, завод вақилларидан бири билан гап-лашиши кутилаётгани. «Булар менинг устимдан ёзган», деб ўйлаган республиканинг бош котиби (Отабек Мусоев) завод директори Пискунов ва оддий ходим Қодировни тилига нима келса, қайтармай сўкади. «Агар «дохий» республика ҳақида ёмон гапирса, уларнинг пешонасидан отишини айтиб, дағдаға қилади. Аммо вазият тескари тоб олади. «Биринчи шахс» биринчи котибдан пахта ҳосили ҳақида ахборот олиб бўлган, дабдурустдан Қодиров билан сўхбатлашиб, уни Москвага чақиради. Бир лаҳза ичида Умар хурматли шахсга айланади.

Хавфсизлиги маҳкамасининг республикадаги махсус вакили лавозимига тайинланади. Воқеалар ривож орақли томошабинлар Қодиров Рим Марлен билан фронтдош эканлигини англайди. Режиссёрнинг бу топилмаси Қодировнинг бежиз лавозимга тайинланмаганини далилловчи омилидир. Фильмга актёрлар жамоаси дид билан танланган. Хар бир образнинг ўз фаолият йўналиши аниқ ва ортқчаликдан холи. Ҳатто эпизодик ролларда кўриниш берган Аюб Шаҳобиддинов, Тоҳир Саидов, Фуркат Файзиёв ва Пулат Саидқосимовларнинг ижролари ҳам эсда қоларли. Айниқса, Аюб Шаҳобиддиновнинг кўзларидаги мунг, нигоҳларидаги изтироб — кўз ўнгимизда отишга ҳукм қилинган, муқаррар ўлим бўсағасида турган зиёлининг қиёфасини тўлақонли гавдалантира олган.

Авал Германияда асир тушиб, кейин сотқин сифатида Сибирь соғуғини ҳам «еб» кўрган, ёрига юбормоқчи бўлган соғинчли мактубини баданига ўйиб ёзган Фахриддин Шамсиматов талқинидаги образ ҳам анча таъсирчан чиққан. Бир ўринда Рим Марленнинг бўлажак рафиқаси Ольганинг тилидан шундай сатрлар янграйди: Мен ҳақимда уйлама ёмон, Қарни қаттиқ бевафо жон, Оқлик бердинг, майли деганман, Иўқлик, сенинг зайлиг деганман. Ҳа, розиман, барига тайёр, Фақат айла мақсадинг ошқор? Қайтар қурбон эттиқошимми! Назаримизда, ҳаёт ташвишларида зада кўнглининг ноласи сифатида янграган бу шеър ўша йилларда яшаган хар бир инсон қалбини сирқиратган ўйларга ҳамоҳанг жанранга бўлади.

Киноталқин



ларнинг хатти-ҳаракатларига, гап-сўзларига моҳирлик билан сингдириб юборилган. Масалан, Рим Марлен ёқтирган қизи Ольганинг «Французмисиз?», деган саволига, дастлаб ҳазиллашган кўйи «Ҳа», деб жавоб беради. Кейин қулиб тушунтиради: «Рим — «революция и мир», Марлен — Маркс ва Ленин дегани». Ольга ҳам жилмайиб: «Яхшиям «Даздратервая» (До здравствует первое мая) эмас», деб ҳазил қилади. Яна бир жойда Умар Қодиров Москвага кетаётганида онаси бўйинга тумор осиб, Сталин маҳмадонларни ёқтирмаслигини айтади. «Биринчи шахс» олдиға кираётганда ҳам унга шу гапни такрорлашганда, бўш-баёв йигитча «Биламан, оймим айтгандилар», — деб елка қисади. Фильмдаги бундай кулгули гаплар зўрма-зўракиликдан холи, жудаям табиий чиққан.

Кино драматик лавҳаларга бой, Умар Қодиров «юқори»нинг хар қандай буйруғини бажаришга мажбур содик йигит. Таъбир жоиз бўлса, у бор ихтиёри «Милтик»да бўлган оддий кўрғошин парчаси — ўк. Ҳатто Сталиннинг инсульт бўлганини эшитганда, киприкларига беихтиёр ёш қалқиди, жазавога тушади. Аммо барибир у ўзбек эди. Аксига олиб тўхмат ва иғвогарлиқни касб қилган каззоблар партиязый ҳушёрлик ниқобини кийиб, ўзларини шу йўл билан ихоталаб олишган. Ножўра ташланган хар битта қадам «58-модда» билан айбланишга асос бўлади. Аммо, қачонгача кўнглида ҳадиқ билан яшаш мумкин? Унинг виждоини хар сафар бегуноҳ инсонларни қамаётганда галаён кўтарарди. Қадрдон аммасыга, ёзувчи Зоир Раҳмон ва бошқа кишиларга қилинган тўхматлардан у кўпроқ азият чекади. Ожизлигидан ўзини кўрага жой топпайди. Ишдан бўшамоқчи бўлганда дўсти Рим унга «Чекистини қаҳрамонларча ўлим, ёки чет эл разведкаси билан алоқада бўлганини тан олиши ишдан бўшашига сабаб бўлиши мумкин»лигини яхшигина тушутириб қўяди.

Лекин чор-атрофга қабохат тўр ёйганда виждон билан муросаға келиш мумкинми? Ниҳоят, Умарнинг юрағида ҳам «Бомба» портлайди. Унга бор айби ташландиқ ерга пахта эмас, бугдой эккан киши — (Фатхулла Маъсудов)ни қамашни ишончи топиришади. Боз устига, у ўзининг туғишган акаси. Уртада онаизорининг оқ сути, йигитлик гурури турибди. Йўқ, юқорининг зуғумига, бундай синовларига унинг бардоши етмайди. Дарвоқе, фильмнинг номи ҳам айна шу вазиятда оидинлашади. Маълумки, «Кўрғошин» Умарнинг шартли паролли. Бироқ унинг мажозий маъноси ҳам йўқ эмас. Бу элемент сўмбатидан тошдек қаттиқ кўринади. Бироқ зохиран шундай холос. У жуда тез юмшайди, озгина иссиқликка ҳам бардошсиз. Умар ҳам акасини қамаш ўрнига, у бугдой эккан далада ўзини отиб ташлашни афзал кўради. Тақдирнинг найрангини кўрингки, Рим дўстининг мурдасини кучоқлаб йиғлаётган лаҳзаларда дохийсининг вафот этганидан хабар топади... Дарвоқе, юқорида келтирганимиз ривоятнома, аммо давр ҳақиқатиға

Иномжон АБДИЕВ

Ҳахон адабиёти дурдоналаридан

Вафо, мурувват ва аҳсан (яхшилик)

Ота-боболаримиз томонидан севиб мутолаа этиб келинган «Минг бир кеча» араб тилида битилган «Алф Лайла ва Лайла» деб номланган эртақларнинг ўзбек тилига ўзгаришга эришди. Икки жилдан кўпроқ китоб ўтган йерини 50-60 йилларда кирилл алифбосида чоп этилган. Аммо давр тақозоси билан ундаги кўпгина ҳикоялар, саргузаштлар бу нашрга кирмай қолган. Кейинчалик «Минг бир кеча»га кирмай қолган эртақлар «Бир соатлик халифа» ном билан нашр қилинган. Қуйида ўқувчилар эътиборига тақдим этилаётган ҳикоя икки жилдан кўпроқдан олдинда. Араб алифбосидаги сўз ва ибораларни аслида қандай ёзилган бўлса, шундай таржима қилишга ҳаракат қилинди. Фақат айрим ўринларда мурабба — қавс ичида изоҳ беришни жоиз, деб билдик. Ҳикоямиз номлаши ҳам бундан мустасно эмас.

диларки, қасосдин кечуб, хун олғайлар. Ул жавонлар қабул қилмодилар ва «қасосдин бошқага рози эмасмиз», дедилар. Ул вақт ҳамма Абу Зарға йиғлодилар ва афсус қилур эрдилар. Ногоҳ ул жавон кириб келиб, Умарни тўғриларига келди ва фасиҳ тил билан салом берди ва пешонасидин терлар оқар эрди. Умарга дедики: «Мен ул сағирни тоғосига сипориш қилдим ва молни кўмилгон жойини анга кўрсотдим. Сўнгра аҳдимга вафо қилуб чопуб келдим». Ҳамма ани вафосига ва ўлум сари чопуб келгонига таажжуб қилуб таҳсин қилдилар. Баъзи дедиларки, «қандог яхши ва вафо қилгучи ўлгон эркан». Ул жавон айтиди: «Аё, билмасмусизларки, вақтики ажал етса андин қочмоқчи имкони йўқдур ва мен ўз аҳдимга вафо қилдим, токи демоксуларки, вафо русму жаҳондин кўтарилогондур».

Усайн бин Рён Шариф ҳикоя қилиб-дурки, бир кун ҳазрат Умар (розияллоху анҳа) мардум орасида ҳукм қилмоқ учун ўлтуруб эрдилар. Ҳазрат Умар айдилар: «Ани кўнголлар ва сўзларингидейинлар». Ул вақт жавонлар (жавон, жувон — ёш йигитларга нисбатан қўланади) келиб дедиларки, «Бизлар икковимиз ака-ука турурмиз. Бизларнинг отамиз бир қортойгон киши эрдики, инъом ва аҳсан билан қабилаларнинг ичида маъруф ва машҳур эрди. Бир кун тафриқ учун ўз боғимизга чиққон эрди ва жавон ани ўлдирубдур. Эмди бизларни сиздан умидимиз улдурки, нимаики шарият ҳукми бўлса ани ижро қилсангиз». Умар ул жавонга қаҳромиз назар қилиб, «Эй жавон, сени жавобинг нимадур?» дедилар. Ул жавон табассум қилиб, фасиҳ тил билан Умарга таҳийёт ва сано айтиди, сўнгра айтиди: «Азбаройи худо, ончаки бу жавонлар дедилар — рост дедилар ва лекин мен ўз ҳикоятимни сизга баён қилай, сўнграги фармон сизгадур. Эй халифа, мен саҳронинин арабийлардин турурмен. Вақтики қабилимазда қахатлик пайдо бўлди. Мен аҳлу аёлним билан бу шаҳарга келдим ва мени йўлим бу шаҳарни боғларига тушти. Ва мен билан тевалар бор эрдик, мен аларни дўст тугор эрдим ва аларни ичида алаҳхусус бири бор эрдик, каширлаш ва малиҳашкал эрди. Бас, теваларимдин

бири бу жавонларни отоларини боғига бошини узатубдур. Бир дарахтни шохи боғини деворидин тушган эркан, тева ани озига олиб синдурубдур. Ногоҳ, бу жавонларни отоси боғдин чиқти ва камоли хашмдин кўзларидин ўт ёғор эрди ва қўлида бир тош бор эрди. Арслонлардек ариллаб келиб мени тевама тошини уруб эрди ва тева тошини захми билан ўлди. Вақтики, кўрдумки тевама ўлди, мен газабнок бўлуб ўшал тошини олуб ани тарофига қараб оттим. Иттифоқо, ул тош ани ҳалокатиға сабаб бўлди ва бир нарсакни ани билан теваани ўлдуруб эрди, ул нарса билан ўзи ўлди ва ул тош анга еткан ҳахон бир қаттиғ фарёд торти ва мен ул жойдин қочтим. Бу икки жавон мени ортимдин қувдилар ва мени ушлаб сизни ҳузурингизга олиб келдилар». Умар айдилар: «Эй жавон, қилгон жиноятингга ижро ва эътироф қилдинг. Эмди сенга холос бўлмоқ махол ва қасос фарздур» дедилар. Ул жавон айтиди: «Хар наки, Амир ал-мўъминин, ҳукм етсалар мен анга итоат қилурмен ва шарият ҳукми нимаки бўлса мен анга рози турурмен ва лекин мени ёш бир укам бордур. Отам ўз вафотидин бурун анга кўб молларни худ қилгондур ва ани ишларини менга тобшургондур. Ва Худойи таолони гувоҳ тортуб дегон эрдик, «бу мол уқангандур ва ани муҳофазатиға аҳтимом қилгойсен». Мен ул молларни туфроққа кўмгондурмен ва мендин бошқа киши ул маконни билмас ва

сиз мени ўлдурмоқға ҳукм қилдингиз, ул мол талаф бўлғусидур. Фарда Маҳшар кунин ул сағир ҳақини сиздин талаб қилғусидур ва агар менга уч кун муҳлат берсангиз мен боруб ўшал сағирни ишини бир кишиға топшурарай, сўнгра қойтиб келайин. Умар бир соат бошларини тубан солуб, сўнгра ҳозирларга қараб айдилар: «Кимдурки бу жавонга зомин (кафил) бўлғай?» Ул жавон бирин-бирин ҳаммаға қараб Абу Зарға (розияллоху анҳа) кўзи тушти ва айтиди: «Муна ўшуб киши менга зоминдур», деди. Умар Абу Зарға қараб айдилар: «Эй Абу Зар, бу жавонни қайтуб келмоқига зомин бўлурсеними ё йўқ?» Абу Зар айдилар: «Ори, уч кунгача зомин бўлайин». Бас, Умар ул жавонга қайтмоқға иҳозат бердилар. Вақтики, муддат яқинланди. Қарийбки, муҳлат поёниға етгай. Ул жавон ҳозир бўлмади. Умар саҳобалар бирлан ўлтуруб эрдилар, Абу Зар ҳам ҳозир эрдилар. Ул икки жавон кириб келдилар ва айдилар: «Эй Абу Зар, бизларни хасимимиз қани? Қочқон киши қачон қайтуб келур?» Абу Зар айдилар: «Азбаройи Худойи, муддат битса ва ул жавон келмаса, мен зоминлигимға вафо қилурмен ва ўзумни сизларға топшурурмен». Умар (розияллоху анҳа) айдилар: «Ваоллох, ул жавон келмаса, мен шарият ҳукминин Абу Зарға ижро қилурмен». Ушал сўхбатдаги ҳозир кишилар Абу Зар учун йиғлодилар. Нола ва йиғи овози кўторилди. Саҳобалар ул икки жавондин тамонно қил-

дурки, қасосдин кечуб, хун олғайлар. Ул жавонлар қабул қилмодилар ва «қасосдин бошқага рози эмасмиз», дедилар. Ул вақт ҳамма Абу Зарға йиғлодилар ва афсус қилур эрдилар. Ногоҳ ул жавон кириб келиб, Умарни тўғриларига келди ва фасиҳ тил билан салом берди ва пешонасидин терлар оқар эрди. Умарга дедики: «Мен ул сағирни тоғосига сипориш қилдим ва молни кўмилгон жойини анга кўрсотдим. Сўнгра аҳдимга вафо қилуб чопуб келдим». Ҳамма ани вафосига ва ўлум сари чопуб келгонига таажжуб қилуб таҳсин қилдилар. Баъзи дедиларки, «қандог яхши ва вафо қилгучи ўлгон эркан». Ул жавон айтиди: «Аё, билмасмусизларки, вақтики ажал етса андин қочмоқчи имкони йўқдур ва мен ўз аҳдимга вафо қилдим, токи демоксуларки, вафо русму жаҳондин кўтарилогондур».

Advertisement for MTC VIP tariff. It features a large stylized 'O' logo. Text includes: 'Тармоқ ичида БАРЧА ҚЎНҒИРОҚЛАР', «MTC VIP» ТАРИФ РЕЖАСИ ПРОМО-АКЦИЯСИ, \$0,10, \$0,33, and details about the promotion and terms of service.

HURRIYAT logo and contact information. Includes ISSN 2010-7528, phone numbers, and address details.

Barcode and ISSN information.

Boш муҳаррир: Уқтам МИРЗАЁРОВ. Includes contact info for the editorial office and subscription details.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51. Includes address and contact info for MTC.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси. Includes details about the company, its products, and contact information.